Инв. 8
Гос. книжная палата УзССР
18 ЯНВ 1983
ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 14 (18.491). • Сешанба, 1983 йил 18 январь • Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БУИЛАБ

● КАНДАЛАКША

Мурманскдаги Кандалакша портидан бу йилги биринчи транспорт кемаси—«Павел Вавилов» теплоходи чиқди. Унга Норильскка аталган юклар ортилган. Кема Оқ денгизнинг музлари орқали шатакчи кемалар очган канал бўйлаб мустақил ўтади. Карс денгизига чиққач, у ерда вахтада турган «Ленин», «Сибирь» ва «Леонид Брежнев» атомоходлари кемани бошлаб кетади.

● ЛЕНИНГРАД

Ленинград политехника институти ҳузуридаги роботлаштириш тадқиқот марказида яратилган транспортчи робот ёрдамчи ишчилар бригадасининг ўрнини босади. Ҳозир у синаб бўлинди.

● БЕШКЕНТ

Тожикистондаги Бешкент водийсининг қўриқ ерларида мелиоратив насос станцияси ишлай бошлади. У сизот ва оқова ташлама сувларни ҳайдаб, ғўза ва озуқа экинларни етиштириладиган далаларнинг ботқоқланиши ва шўрланишига йўл қўймайди. Бешкент водийсида 8 минг гектардан кўп массив суғорилмоқда. Ҳозир яна бир неча гидротехник иншоот қурилмоқда. Бу иншоотлар 12 минг гектардан кўп қўриқ ерни ўзлаштиришга имкон беради.

● ЧЕЛЯБИНСК

Челябинск қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти Урал-Сибирь ва Узоқ Шарқ агросаноат комплекси учун кадрлар етиштиручи катта масканга бўлиб қолди. Бу ерда беш юз нафардан кўп ёш мутахассис ишга тақсимланди. Уларнинг ҳаммаси мамлакат шарқий регионидаги колхоз ва совхозларда ишлайди.

(ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ ИШ РЕЖИМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қарорда шу нарса қайд этиладики, анчагина шаҳар ва районларда кўпчилик магазинлар, устахоналар, ателъелар, поликлиникалар, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари меҳнаткашларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришда банд бўлган соатларда ишламоқда. Одамлар шахсий масалаларни ҳал этиш учун тез-тез ишдан жавоб сўрашга, маъмуриятнинг ижозати билан отпуска олишга, баъзан эса белгилаб қўйилган меҳнат тартибини ҳам бузишга мажбур бўлмоқдалар. Хизмат соҳасида ишнинг ёмон ташкил этилганлиги ва келувчиларга эътиборсизлик билан қараш оқибатида меҳнаткашларнинг кўп вақти бекор ўтмоқда.

Аҳолига хизмат қилувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишидаги жиддий камчиликлар хусусида меҳнаткашлар ҳақли равишда таъна қилмоқдалар, бу камчиликлар меҳнат интизомининг ҳолатига, меҳнат унумдорлигига салбий таъсир қилмоқда, пировард натижада давлатга катта зарар етказмоқда.

Аҳолига хизмат қилишни янада яхшилаш ва иш вақтининг бекор ўтишини қисқартириш мақсадида СССР Министрлар Совети ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига, СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, СССР Алоқа министрлигига, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Юстиция министрлигига, СССР Давлат меҳнат омонат кассалари правлениесига, СССР Прокуратурасига, СССР Ички ишлар министрлигига, СССР Маориф министрлигига, Темир йўллар министрлигига, Граждан авиацияси министрлигига, бошқа министрликлар ва идораларга 1983 йилнинг I кварталида аҳолига хизмат қилиш билан шуғулланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишида дуруст тартиб ўрнатиш юзасидан амалий чораларни кўриши топширди. Иш шундай ташкил этилсинки, совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжлари уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига зарар бермайдиган тарзда тўлиқроқ ва яхшироқ қондириладиган бўлсин.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг иш кунлари ҳамда соатларини меҳнаткашлар учун энг қулай тарзда ташкил этиладиган қилиб қайта кўриб чиқиш таклиф қилинди. Зарур бўлган жойларда навбатчи магазинларнинг очилиши, шунингдек аҳолига хизмат қилувчи бошқа корхоналарнинг кечқурунги вақтда ишлаши таъминлансин; айниқса, қишлоқ жойларда иш куни тақсимлаб қўйиладиган ўзгариб борувчи график асосида ишлаш практикаси кенгайтирилсин, ходимларни тўла бўлмаган иш кунида хизмат соҳасига жалб этиш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иш режимини тартибга солиш тадбирларини меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш, одамларни омилкорлик билан жойлаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳар бир ходимнинг тошириларган иш учун масъулиятини кўтариш йўли билан амалга оширишни таъминлашлари керак. Улар СССР Госплани билан биргаликда халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг аҳолига хизмат қилишни яхшилаш масалаларига доир таклифларини оператив равишда кўриб чиқишлари ва шу таклифлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, СССР Савдо министрлиги, Центросоюз, бошқа министрликлар ва идоралар меҳнаткашларнинг бевосита иш жойида уларга маиший хизмат кўрсатиш тажрибаси кенг оммалаштирилишини таъминлашлари керак. Корхоналарда, қурилишларда, совхоз ва колхозларда касаба союз ташкилотларининг таклифларини эътиборга олиб, пойабзал ва кийим-кечак ремонт қиладиган, кир юviб берадиган, буюмларни химиявий тозалайдиган қабул пунктлари ташкил этилсин, олдиндан қилинадигаң буюртмаларга мувофиқ савдо-сотиқ ривожлантирилсин, хизмат қилишнинг аҳоли учун қулай бўлган бошқа формаларидан фойдаланилсин.

Корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари мазкур масалаларни ҳал этишда, шу мақсадлар учун бинолар, зарур асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ажратишда ҳар томонлама ёрдам беришлари, меҳнаткашларнинг хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг хизматидан иш вақтини нобуд қилмай фойдаланишларига имкон берадиган шароитни яратишлари лозим.

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг 17 январь куни бўлиб ўтган пленумида КПСС XXVI съезди қарорлари асосида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш соҳасида республика пойтахти коммунистларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Пленум мавжуд камчиликларни бартараф этиш, идеология ишининг беш йиллик топшириқларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган барча формаларини такомиллаштириш тадбирларини белгилади.

(ЎзТАГ).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК, ХАЛҚ УЧУН КЎПРОҚ ВА СИФАТЛИ МОЛЛАР ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

17 январь куни Тошкентда Ўзбекистон партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб очди.

КПСС XXVI съезди қарорлари асосида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш борасида бундан буён кўриладиган тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев доклад қилди.

Музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Қоракалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Бекманов, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов, Бухоро область партия комитетининг секретари Р. Р. Болтаев, Андижон ип газлама комбинати Қўрғонтепа филиалининг директори О. Норбоев, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Файзиев, Қўқон нон-булка комбинатининг мастери А. И. Коптева, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов, Наманган шойи комбинати партия комитетининг секретари М. Шарипова, Гулистон тикувчилик фабрикасининг тикувчи-моторчиси Г. Бекбўлатова, Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри Г. Н. Насриддинов, «Миконд» заводининг директори Х. Н. Тожиев, сўзга чиқдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан кишилар Ўзбекистонда «Б» группаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш узлуксиз қўлланётганлигини кайд этиб ўтдилар. Республика партия ташкилоти, совет ва хўжалик органлари КПСС XXVI съезди қарорларига асосланиб беш йилликнинг энг муҳим вазифасини бажариш: халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида катта тадбирлари амалга оширмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумга бу ишга янги омиллар бахш этиб, янги марраларни белгилади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўрток Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқида маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ўстириш вазифалари биринчи даражали ва мамлакат учун ҳаётий муҳим вазифа деб айтилди. Айни шу боисдан Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш коллективлари эришилган натижаларни янада юқорироқ марраларни эгаллаш йўлидаги дастлабки босқич деб билмоқдалар.

Беш йиллик бошидан буён эса анча ишлар бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари юзасидан белгиланган топшириқлар ошириб бажарилди: бу ўсиш икки йил мобайнида пландаги 110,7 процент ўрнига 115,2 процентни ташкил этди. Пландан ташқари 600 миллион сўмликдан кўпроқ мол ишлаб чиқарилди. Ўнлаб хил газламалар, кийим-кечаклар, галантерея, хўжалик моллари ва бошқа моллар сероб бўлиб қолди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда барча турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш кўпайди — бунда халқ хўжалиги барча тармоқларининг куч-ғайрати ўз таъсирини ўтказди. Беш йиллик бошида истеъмол моллари 700 та корхонада ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир 1056 корхонада ишлаб чиқарилмоқда.

Сўзга чиққан кишиларнинг якдиллик билан билдирган фикрича, ҳозир партия ва совет ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг, меҳнат коллективларининг фаолиятини даставвал меҳнат унумдорлигини оширишга, план интизомини, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратиш керак. Ип газлама, гилам буюмлар, сирланган ва рухланган идишлар, ҳар хил консервалар ва ҳаридбоп маҳсулотларнинг бошқа турларини ишлаб чиқараётган барча корхоналар давлат программасини ўзлаштаётганларида республикада маҳсулот ишлаб чиқариш планлари яна ҳам кўпроқ ортиғи билан ado этилган бўлур эди. Топшириқларни бажармаслик, қувватларни тўлиқ ишлатмаслик, интизомнинг пастлиги ҳали ҳам бир қанча коллективларнинг ягона маромда ишлашига халақит бермоқда. Масалан, Бухоро областининг корхоналарида ҳар бир ишчи ҳисобига бир йилда бекор кетган вақт тўрт иш кунини ташкил этди; бунинг натижасида ҳаридорларга миллионлаб сўмлик маҳсулот кам етказиб берилган.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор технологияни жорий этиш йиғилишда энг муҳим резерв деб аталди. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзлаб, миқиглаб ишчи қўлларини бўшатиб, айни вақтда маҳсулотнинг сифатини оширишга ёрдам берадиган ўз таъсирини кўрсатувчи мисоллар келтирилди. Сифатсиз буюмлар ишлаб чиқариш ҳолларига айниқса тоқат қилиб бўлмайди, шунинг учун пойабзал, озиқ-овқат, консерва корхоналари ва бошқа бир қанча саноат тармоқлари танқид қилинди.

Нотиқлар маҳсулотларнинг хилларини кўпайтириш, бинобарин эса баъзи молларнинг камчиллигига қарши курашни кўпгина омиллар билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқдилар. «Б» группаси маҳсулотларини ишлаб чиқувчи корхоналарни кўпайтириш — асосий омилларнинг биридир. Республикадаги ҳар тўрт корхонадан учтаси, улар қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, савдо тармоқларига маҳсулот етказиб беришни кўпайтираётганликлари яхши, аммо кўпгина коллективлар ва ҳатто тармоқлар мана шу ғоят муҳим ишга деярли қатнашмаётганликлари яхши эмас. Масалан, замонавий кудратли техника билан жиҳозланган 200 дан кўпроқ саноат корхоналари ва ташкилотларига эга бўлган Қурилиш министрлиги Маориф министрлигининг мактаб-интернатлари ва ўқув устахоналарига қараганда икки баравар кам маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Маҳаллий Советлар, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва бозорга етказиб бериш устидан контроллик қилувчи комиссиялар бундай сусткашликка ўз активликларини қарама-қарши қўйишлари керак. Меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш, филиалларнинг тармоқларини ривожлантириш негизида ишлаб чиқариш қувватларини янада тўлиқроқ ишлатиш учун ҳам, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва маҳаллий хом ашё ҳисобидан хом ашё запасларини тўлдириш учун ҳам кўп иш қилиш мумкин.

Йиғилиш қатнашчилари болаларга мўлжалланган молларнинг хилларига алоҳида эътибор бердилар. Аҳолиси тез кўпайиб бораётган Ўзбекистонда, деб уқтиришди улар, болалар учун моллар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилиши лозим. Ўтган йилнинг Ўзидагина республикада шундай маҳсулот ишлаб чиқариш 14 процент кўпайди. Аммо кўркам, қулай ва арзон мактаб формалари ҳамон етишмаяпти, жойларнинг ўзида бемалол ишлаб чиқариш мумкин бўлган болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикалардан ташиб келтирилмоқда. Савдо ташкилотлари спорт буюмларини ва ғоят харидоргир бўлган бошқа молларни анча кам миқдорда олмоқда. Талаб-эҳтиёжларга аниқроқ мослашиш, харидорларнинг талабларини тўлиқроқ ҳисобга олиш ва шу асосда товар оборотини кўпайтириш — саноат билан савдо ташкилотлари қалин ҳамкорликда ҳал этиши керак бўлган вазифа эканлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди.

Барча тармоқлардаги корхоналар Озиқ-овқат программасининг бажарилишига кўшаётган ўз ҳиссасини кўпайтиришлари мумкин ва лозим. Бунинг учун эса, йиғилишда кўрсатиб ўтилганидек, ёрдамчи хўжаликларни янада интенсив ривожлантириш, «қишлоқ цехлари»да кўпроқ гўшт, сут, тухум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш лозим.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, топширилган иш учун ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш юзасидан ноябрь Пленуми олға сурган принциплар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги барча ишларнинг марказига қўйилиши лозим. Талабчанлик, интизомнинг ҳар қандай бузилишига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш зарур. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари план ҳамда мажбуриятларни бундан буён ҳам бажариш учун социалистик мусобакани кенгайтиришлари, меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг янги формаларини эўр ғайрат билан жорий этишлари, илғорларнинг тажрибасини яхшироқ оммалаштиришлари шарт. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари ҳамиша диққат марказида туриши керак.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари коллективларининг 1983 йилги социалистик мажбуриятлари бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР АРМИЯ, АВИАЦИЯ ВА ФЛОТГА ЁРДАМ КЎНГИЛЛИ ЖАМИЯТИНИНГ VI СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика ДОСААФи VI съездининг делегатларини ва сизлар орқали Ўзбекистон мудофаа жамиятининг бутун кўп миллионли отрядини қизғин ва самимий табриклайди.

Сизларнинг съездингиз совет кишилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини тантанали нишонлаган бир вазиятда ўтмоқда. Тенг ҳуқуқли совет республикаларининг ахил оиласи бу шонли воқеани куч-қуввати барқ урган ҳолда кутиб олди, социализмнинг буюк ютуқларини, социалистик жамиятнинг метиндек бирлигини, совет халқининг Коммунистик партия тевирагига мустаҳкам жипслашганлигини, КПСС XXVI съезди тарихий режаларини амалга ошириш учун курашда куч-ғайратини кўпайтиришга тайёр эканлигини бутун дунёга намойиш қилди.

Совет Ўзбекистони кўп миллатли Ватанимиз қардошлик оиласида муваффақиятли ривожланмоқда. Республика саноати маҳсулотни реализация қилиш юзасидан беш йиллик икки йили планларини муддатидан илгари бажарди. Қишлоқ хўжалик ходимлари деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш планлари билан социалистик мажбуриятларини ado этиб, каттагина натижаларга эришдилар. Мамлакат сурункасига уч йилдан буён Ўзбекистондан 6 миллион тонна «ок олтин» олмоқда.

Халқ хўжалиги ва маданиятнинг бошқа соҳалари меҳнаткашлари ҳам яхши ишладилар. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди, халқ фаровонлиги юксалди, унинг маъновий турмуши бойиди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми, СССР Олий Советининг еттинчи сессияси қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалардан руҳланган Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари каби ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йили—учинчи йили топшириқларини бажариш соҳасида илҳом билан меҳнат қилмоқдалар, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва интенсивлаш суръатларини жадаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун барча зарур ишларни қилиш, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса кўшиш учун сабот билан курашмоқдалар.

Совет халқи ўзининг фикри-зикри ва ишларини бағишлаётган коммунизм бунёдкорлиги мамлакатимизнинг тинчликни сақлаш йўлидаги тинимсиз кураши билан чамбарчас боғланғандир.

Бизнинг партиямиз халқаро майдонда ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатни актив ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Шу билан бирга партиямиз империализмнинг агрессив кирдикорларига нисбатан юксак даражада ҳушёрлик кўрсатиб, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда.

Давлат ҳамиятига молик бу вазифани ҳал этишда армия, авиация ва флотга ёрдам кўнгилли жамияти катта роль ўйнайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ССР ДОСААФи сон жиҳатдан ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, шонли жанговар ва революцион анъаналарни кўпайтириб, меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса кўшди

Республиканинг мудофаа жамияти СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра мамлакатда биринчи ўринни эгаллаги ҳамда ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР ДОСААФи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Шуниси қувончлики, ўртага кўйилган вазифаларни ҳал этиш учун юксак масъулиятни англаш, сўзга эмас балки ишга шай бўлиш республика ДОСААФи кўпгина илғор ташкилотларига хос хусусиятдир. Бирок, улуғ Ленин таълим берганидек, эришилган натижа билан хотиржам бўлиб қолмаслик, доимо олга бориб, албатта кўпрок натижаларга эриша билиш керак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика ДОСААФи ташкилотлари юксак уюшкоклик ва онгли интизом намуналарини кўрсатиб, комсомол, касаба союз, спорт ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан қалин ҳамдўстликда мудофаа-оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик ишларини яна ҳам зўр ғайрат билан такомиллаштирадилар, куролли кучлар ва халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш сифатини оширадилар. спортнинг ҳарбий-техникавий турларини ривожлантирадилар, республика меҳнаткашлари ва ёшларни юксак даражада ҳушёрлик ҳамда социалистик ватанни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриш руҳида тарбиялашда актив иштирок этадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширишга ДОСААФнинг барча аъзоларини сафарбар этиш — мудофаа жамияти комитетлари билан ташкилотларининг бурчидир.

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин коммунизм бинокори — қаҳрамон совет халқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ПАРТИЯ ЁРДАМЧИЛАРИ, ДАВР СОЛНОМАЧИЛАРИ

СССР РАССОМЛАРИНИНГ VI СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

Ижодий беш йиллик якунлари, келгусидаги режалар СССР рассомлари VI съезди делегатларининг диққат марказида турибди. Съезд 17 январь куни Москвадаги Катта Кремль саройида очилди.

Йиғилиш аҳли **Г. А. Алиев, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Йиғилиш аҳли Леонид Ильич Брежнев хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олди.

СССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси **Н. А. Пономарев** «Рассомнинг юксак ижтимоий бурчи учун» деган мавзуда СССР Рассомлар союзи правлениесининг ҳисобот докладини қилди.

Мамлакатимиз рассомларининг VI съезди, деди у, совет кишилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини юксак ватанпарварлик ифтихори туйғулари билан нишонлаган кунларда ўтмоқда. Юбилей тантанали мажлисида ўрток Ю. В. Андропов қилган докладнинг ҳар бир сатрида совет халқи кураши ва ғалабаларининг қаҳрамонона тарихи, Улуғ Октябрь ғояларининг музаффар аҳамияти, партиямиз ленинча миллий сиёсатининг реал тантанаси яққол ифодалаб берилган.

Мамлакат рассомлари, турли авлод ва миллий мактабларнинг намояндалари бутун совет халқи билан биргаликда КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қондалари ва хулосаларини амалга ошириш учун, беш йиллик учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ўзларининг барча кучларини сарфламоқдалар.

Тасвирий санъат усталари истеъдод миллий бойлик деб баҳоланаётган, уларнинг меҳнати халқ бунёдкорлик меҳнатининг ажралмас қисми бўлиб қолган ҳамиятда яшаш ва ижод қилишдек юксак шарафга муяссар эканликларидан фахрланадилар. Совет санъатининг бадиий методи — социалистик реализм методининг моҳияти ҳаёт билан актив ҳамнафас бўлиш, юксак инсонпарварлик идеалларини қарор топтириш, ижтимоий тараққиётга халақит берадиган барча нарсаларга қарши муросасиз курашдан иборат. Санъатимизнинг партиявийлиги, юксак ғоявийлиги, халқчиллиги, реализми янги коммунистик жамият қураётган халқнинг кураши ва меҳнати билан чамбарчас бирлиги натижаси сифатида қарор топди.

Мафкуравий кураш, айниқса, кескинлашган шу кунларда, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда, капитал мамлакатларида инсонпарварлик нуқтаи-назаридан туриб одамлар қалбига модернизмнинг чиркин таъсир ўтказишига қарши курашда социалистик санъатнинг роли ва масъулияти чиндан ҳам беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Иттифоқдош республикалар рассомларининг яқинда бўлиб ўтган съездларида тасвирий санъатнинг барча усталарини бир хилда тўлқинлантираётган проблемалар муҳокама қилинди.

Бизнинг давримиз, деди Н. А. Пономарев пировардида, санъаткордан юксак гражданликни, ғоявий собитқадамликни, зўр ижодий ҳароратни талаб этади. Бизнинг давримиз Ватан ва жаҳон маданияти тарихига замонга муносиб йирик асарлар орқали киришини истаймиз. Бизнинг ўзимиз — тарихни ижод этаётган халқининг бир қисми бўлиб, давримиз учун, унинг ишлари учун, унинг муваффақиятлари учун, унинг нафосати учун масъулмиз. Биз совет санъаткорларининг истеъдоди ва ижоди ҳамиша партия билан халқнинг улуғ идеалларига хизмат қилаверади, деб ленинчи Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога ваъда берамиз!

СССР Рассомлар союзи марказий ревизия комиссияси раисининг ўринбосари **М. В. Лукьянов** комиссия номидан ҳисобот берди.

(ТАСС мухбири).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан 16 январда Москвадан ГФРга жўнаб кетди.

Аэродромда А. А. Громикони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ГФРнинг СССРдаги муваққат ишлар гаҳили Х. Хубер бор эди.

* * *

А. А. Громико шу куни Боннга келди. Уни ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг ГФРдаги элчиси В. С. Семёнов бор эди.

А. А. Громико аэропортда қўйидаги баёнотни берди:

Биз Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Боннга келдик. Визитдан кузатилган мақсад Совет Иттифоқи билан ГФР аввалги йилларда актив равишда олиб борган сиёсий мулоқотни давом эттиришдан иборат. Аммо гап қарор топган анъанадагина эмас. СССР билан ГФР ўртасидаги ошкора мулоқот, ўзаро ишончли мустаҳкамлаш халқаро вазият мураккаблашган ҳозирги шароитда, айниқса, муҳимдир.

Шуни таъкидламоқчиманки, биз Совет-Ғарбий Германия муносабатларининг келажагини бир-бирига қарши кураш ва адоватда эмас, балки ҳамон аввалгидек тинч-тотув яшаш ва ҳамкорликда деб биламиз. Ўз-ўзидан равшанки, биз Германия Федератив Республикасидан ҳам худди шундай ёндашувни кутамиз.

ГФРнинг давлат арбоблари билан суҳбатлар учун мавзу етарли бўлади, деб ўйлайман. Бизлар турлича наҳар билан қараётган проблемалар хусусида ҳам гапириб ўтиш ниятидамиз, албатта. Шу кунларнинг туб масаласи Европада ядро қуроли билан қуролланиш ҳатарли пойгасининг олдини олиш, қитъамизда тинчликни мустаҳкамлаш масаласига асосий эътибор берилади, деб ўйлайман. Биз бу вазифани ҳал этишда Европадаги барча давлатларнинг кучғайратлари сарфланиши керак, деб ҳисоблаймиз.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи ўрток Альфред Рудольфович **Бендерга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Жиззах область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи ўрток Ваҳоб **Жалиловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

СОВЕТ МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ ТУГАДИ

РАБОТ, 17 январь. (ТАСС). Марокашнинг Марракеш шаҳрида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган совет маданияти ҳафталиги тугади.

Фотовиставкалар томошабинларни ғоят қизиқтирди. Стендларда Ўзбекистон ССР ва унинг пойтахтига—Марракеш билан биродарлашган Тошкент шаҳрига бағишланган кенг форматли фотосуратлар намойиш қилинди.

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИ:

ЮКСАК МАРРАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТ, ТРАНСПОРТ, САВДО, АЛОҚА, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ, ИЛМИЙ ВА ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР ВА САНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1983 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ПАРТИЯ XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари Советлар мамлакатининг барча меҳнат аҳли билан бирга юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик шароитида коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, мамлакатимиз ва республикамизни ўн биринчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажариш ва ошириб бажаришга ўзларининг куч-ғайратларини сарфлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ўтган икки йил мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 10 процент кўпайди, планга қўшимча 535 миллион сўмлик саноат маҳсулоти, чакана нархлар билан ҳисоблаганда 568 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари реализация қилинди, капитал қурилиш, саноат объектлари, уй-жой, мактабларни ишга тушириш планлари асосий кўрсаткичлар бўйича бажарилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини барча турлари бўйича ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш кўрсаткичлари сезиларли яхшиланди, фаннинг самарадорлиги ошди, унинг ишлаб чиқариш билан ижодий алоқалари мустаҳкамланди.

Халқ хўжалигида техника тараққиётини белгиловчи саноат тармоқлари 1982 йилда жадал суръатлар билан ривожланди. Ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш электротехника саноатида 7,1 процент, қора металлургияда 5,7 процент, газ саноатида 7,3 процент ўсди, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 11,8 процент ошди.

Партиянинг совет кишилари турмуш фаровонлигини оширишдан иборат асосий вазифасини бажара бориб, республика саноати халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш суръатларини оширмоқда. Уларни ишлаб чиқариш 7,2 процент, шу жумладан мебель ишлаб чиқариш 7,6 процент, маҳаллий саноат маҳсулотлари 10,9 процент, енгил саноат маҳсулоти 7,4 процент, уй-жой ва коммунал хизмати кўрсатиш ҳажми 5,3 процент, маиший хизмат ҳажми 10 процент ўсди.

Халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ўчун курашни авж олдириб, 60 цех, 98 участка комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, 140 поток линия жорий этилди, 41 минг киши қўл меҳнатидан механизациялаштирилган меҳнатга ўтказилди. Уларни жорий этишидан кўрилган иқтисодий самара 133 миллион сўмни ташкил этди.

Республикада саноат қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. 1982 йили Олмалиқ кон-металлургия комбинатида мис рудаси қазиб олиш ва уни қайта ишлашнинг янги қувватлари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида молибден прокати ва вольфрам ангидриди ишлаб чиқариш, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммиак олинадиган йирик агрегат ишга туширилди.

Енгил саноатда Андижон ва Нукус ип-газлама комбинатларининг Пахтаобод, Пойтуғ, Чинобод, Тўрткўл, Беруний, Марҳамат, Қўрғонтепа, Хўжайли ва Мангит шаҳарларида филиаллари, Фарғона тўқимачилик комбинатининг Риштон, Янгиқўрғон, Бешариқдаги филиаллари фойдаланишга топширилди. Андижон ип-газлама ва Бухоро тўқимачилик комбинатларида тўқимачилик станоклари ўрнатиш бўйича янги қувватлар, Ангрен ва Жиззах нон заводларида, Қарши ва Каттақўрғон сут заводларида янги қувватлар ишга туширилди.

Республика меҳнаткашлари учун 6 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой, 134 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган мактаблар, 42 минг ўрнига эга бўлган мактабгача тарбия муассасалари, кўпгина маданият, соғлиқни сақлаш ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриб битказилди.

Пахтакорлар мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришдилар. Давлатга 6 миллион тоннадан кўпроқ — планда кўзда тутилганидан 110 минг тонна ортиқ пахта сотилди. Пахтанинг ғоят қимматли ингичка толали навлари ҳосилини етиштириш анча кўпайди, биринчи маротаба 465 минг тонна шундай пахта тайёрланди. Бу беш йиллик охирига мўлжалланганидан анча ортиқдир. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам юксак натижаларга эришилди.

Саноат корхоналари коллективлари СССР 60 йиллиги шарафига юбилей зардоб вахтасига туриб, маҳсулот реализация қилиш ва энг муҳим буюмлар ишлаб чиқариш бўйича 1982 йил планини муддатидан илгари 24 декабрда бажардилар. Қўшимча равишда 305 миллион сўмлик маҳсулот, чакана нархлар билан ҳисоблаганда 290 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари реализация қилинди. Планга қўшимча 220 миллион кубометр газ, 140 минг тонна кўмир қазиб олинди, 307 миллион киловатт соат электр энергияси ҳосил қилинди, 246 трактор, 135 пахта терими машинаси, 1,1 миллион квадрат метрдан ортиқ шойи газлама, 822 минг дона трикотаж буюмлар, 1,1 миллион жуфт чарм пойабзал, 25,4 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг миқдори 1981 йилдагига қараганда 10,2 процент ошди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида сўзлаган «СССРнинг 60 йиллиги» докладида илгари сурилган қонда ва хулосаларга амал қилиб ҳамда халқ хўжалигини интенсивлаш йўлига ўтказа бориб, Озиқ-овқат программасини бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини, экономика ва ижтимоий хаётнинг ҳамма жабҳаларида коллективларнинг давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя қилиш учун масъулиятни ошира бориб, республика меҳнаткашлари қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар.

САНОАТ

Беш йилликнинг уч йилида ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни янада тезлаштириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш, иқтисод режимига оғишмай риоя қилиш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш ҳисобига саноат ишлаб чиқаришни 15,5 процент ўстириш, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни беш йиллик топшириғида белгиланганидан ортиқроқ — 22,9 процент ўстириш таъминланади.

1983 йилда маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари — 28 декабрда бажариш, саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 5 процент, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7,2 процент ўстириш таъминланади, саноат маҳсулоти жами ўсишининг камида 80 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилади, қўшимча равишда 200 миллион сўмлик турли хил маҳсулот реализация қилинади. Асбоб-ускуналарнинг туриб қолишини камайтириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига иш вақтини йўқотиш 20 процент камайтирилади. Планга қўшимча 126 миллион кубометр газ, 145 минг тонна кўмир, 2 минг тонна олтингугурт қазиб олинади, 5 минг тонна пўлат ва прокат, 10 минг тонна цемент, 16,4 минг тонна пахта толаси, 210 минг квадрат метр шойи газлама, 120 минг жуфт чарм пойабзал, 50 минг дона трикотаж буюмлари, жумладан 20 минг дона болалар трикотажи ишлаб чиқарилади. Тузилган шартномалар ва мажбуриятларга биноан барча номенклатура бўйича маҳсулот етказиб бериш таъминланади.

170 цех ва участкани комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, 204 механизациялашган ва автомат поток линиялар ўрнатиш, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор усулларини жорий этиш ҳисобига 28,6 минг ходимнинг меҳнати тежаб қолинади. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 110 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий самара олинади. 847 буюм давлат Сифат белгиси олиш учун аттестациядан ўтказилади. Республика саноат корхоналари мамлакат Озиқ-овқат программасини бажара бориб, планга қўшимча 150 минг тонна шартли бирликдаги минерал ўғит, ўсимликларни химиявий ҳимоя қилишнинг 580 тонна воситасини, 100 трактор, 100 чигит экиш агрегати, 35 пахта тозалаш машинаси, 500 чигитни аниқ экадиган аппарат етказиб берадилар, асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар етказиб беришни таъминлайдилар, қўшимча равишда 3 минг тонна ўсимлик мойи, минг тонна кадоқланган чой, 400 тонна кондитер буюмлари, 12 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқарадилар, ёрдамчи хўжаликлардан 18640 тонна гўшт, 21 минг тонна сабзавот ва мева, 5300 тонна сут оладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми қарорлари асосида илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг коллективлари муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган фундаментал ва амалий тадқиқотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни таъминлайдилар, ишлаб чиқариш коллективлари билан ҳамкорликни ривожлантириб илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ва лойиҳалаш сифатини оширадилар, иқтисодий самараси 13 миллион сўм бўлган 78 та тугалланган илмий-техникавий ечимни жорий этадилар, 32 илмий-техникавий изланишлар бўйича тажриба ишлаб чиқариш синовларини ўтказадилар.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Бу тармоқларнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш вагонлар, локомотивлар ва автомобилларни ўз вақтида ремонт қилиш, юк ортиш, туширши ишларини ташкил этиш ва механизациялашни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва илғор усулларни жорий этиш асосида халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташиш ва алоқа хизматига бўлган эҳтиёжи тобора тўла ва ўз вақтида қондирилади.

Умумий фойдаланишдаги автотранспорт ходимлари планга қўшимча 3,2 миллион тонна юк ва 15 миллион йўловчи ташиш мажбуриятини олдилар. Планга қўшимча 440 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади, пландан ташқари 1 миллион сўм фойда олинади. Йиллик юк ташиш ҳажмининг камида 37 проценти ва пассажир ташиш ҳажмининг 26 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, юк ортиш чоғида ортиқча туриб қолишларни қисқартириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ҳисобига автомобилда юк ташишда меҳнат унумдорлигини 1,6 процент, саноатда 2,3 процент, қурилишда 3 процент ошириш таъминланади. Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг жами ҳажмига фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Темир йўлчилар юк ташиш йиллик планини муддатидан илгари бажарадилар. Йиллик топшириққа қўшимча 100 минг тонна юкни жўнатадилар. Кадрлар қўнимсизлиги, иш вақтини йўқотиш, прогуллар, ҳаракатдаги составнинг бекор туриб қолишини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 0,1 процент ошириш таъминланади. Юк ташиш таннархини пландагидан 0,1 процент камайтириб камида 100 минг сўм қўшимча фойда олинади.

Ҳаракатдаги составдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва эксплуатация ишлари сифатини яхшилаш ҳисобига локомотивнинг планга қўшимча меҳнат унумдорлигини 4 минг тонна километрга кўпайтириш эришилади. Юк вагонлар оборотини топшириқдагидан 0,01 сутка тезлаштирилади. Ҳар бир вагонга статик юк ортишни кўпайтириб, камида 7,5 минг вагон қўшимча юк ортиш учун озод қилинади.

Граждан авиацияси корхоналарининг ходимлари йўловчилар ташиш планини 30 декабрда, авиацияда халқ хўжалигида фойдаланишни 28 декабрда бажарадилар. Планга қўшимча 20 минг йўловчи ташлади. Тошкент — Москва — Тошкент, Тошкент—Минерал сувлар—Тошкент линиялари муддатидан илгари ИЛ-86 самолётларида хизмат кўрсатишга ўтказилади. Қишлоқ хўжалик экинларига ўз вақтида ишлов бериш таъминланади.

Алоқа корхоналари коллективлари маҳсулот ҳажми ва фойда бўйича планни муддатидан илгари бажарадилар, барча хизмат турлари бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширадилар. 2 минг номерли автомат телефон станциялари муддатидан илгари ишга туширилади, телефон станциялари ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти шаҳарларда ва қишлоқ жойларда 86 процентгача кўпайтирилади.

САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Товар оборот йиллик плани 30 декабрда бажарилади. Аҳолига планга қўшимча 40 миллион сўмлик, шу жумладан давлат савдоси бўйича 20 миллион сўмлик моллар сотилади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи бўйича реализация қилинаётган товарларнинг ҳажмини давлат савдосида 65 процентгача, матлубот кооперациясида 92 процентгача етказилади. Магазинларда савдо майдони 76 минг квадрат метрга ва умумий овқатланиш корхоналари тармоғи 33 минг ўрнига кўпайтирилади. Харид қилиш, қорамолни бўрдоқига боқиш, чўчқа ва паррандани парваришлаш ҳисобига 103,5 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилади ва аҳолига реализация қилинади.

Савдо ускуналаридан фойдаланиш коэффициенти 0,7 дан 0,75 гача кўпайтирилади. Иш вақтини йўқотишни камайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, янги техника ва технологияни жорий этиш ҳисобига давлат савдосида меҳнат унумдорлиги 6,6 процент, матлубот кооперациясида 6,5 процент, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 7,1 процент оширилади.

Маиший хизмат кўрсатиш плани 30 декабрда бажарилиб, аҳолига қўшимча равишда 1,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади. Хизматнинг умумий ҳажми 9,8 процент, шу жумладан қишлоқ аҳолиси учун хизмат кўрсатиш 12,8 процент кўпайтирилади. Қишлоқ жойларда 160 та комплекс қабул пунктлари очилади.

Саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг меҳнаткашлари тежамли конструкциялар, машина ва механизмлар, хом ашё материалларини қайта ишлаш илғор технология жараёнларини яратиш ва жорий этиш, иккиламчи ресурслардан кенг фойдаланиш, иқтисод режимига қаттиқ риоя қилиш, ишлаб чиқаришнинг материал ва энергия сарфлаш даражасини пасайтириш ҳисобига 400 миллион киловатт соат электр энергияси ва 795 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 192 минг тонна шартли ёқилғи, 19 минг тонна прокат, 16 минг тонна цемент, 44 минг кубометр ёғоч-тахта, 15 минг тонна дизел ёнилғиси, 22 минг тонна автомобиль бензини тежаб қоладилар.

Республика министрликлари, идоралари ва бирлашмалари саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари 1983 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар.

ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ

Октябрнинг 66 йиллигигача табиий газ запасларини ўстириш бўйича уч йиллик план бажарилади.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фойдали қазилмалар запаслари бўйича давлат комиссиясида газ запасларини тасдиқлаш юзасидан ўн биринчи беш йиллик топшириқлари муддатидан илгари, декабрь ойида бажарилади.

Запасларни ўстириш йиллик планларини плавик шпати бўйича 101 процент, мис бўйича 105 процент бажарилади. Қўшимча маблағ сарфламай геофизик разведка усули билан йил охиригача планга қўшимча жами 85 квадрат километр нефть ва газга бой истиқболли структурали майдонлар тайёрланади. Белгиланган топшириққа қўшимча равишда 200 квадрат-километр майдонда давлат гидрогеологик съёмкалари ўтказилади.

Белгиланган муддатдан бир ой илгари, 1983 йил июлида Тошкент областининг аҳоли пунктлари ва қишлоқ хўжалик объектларини сув билан таъминлаш учун Чирчиқ ўзанидаги ер ости сувларини босқичма-босқич разведка қилиш тўғрисидаги ҳисобот СССР Давлат фойдали қазилма запаслари комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Планга қўшимча 15 та илмий-тадқиқот ечимлари тайёрланади. Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобига планга қўшимча 1 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади. Йиллик шартли самараси 2 миллион сўмга теңг камида 1350 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Тежалган материаллар билан 7200 метр колонкали қудуқ, 500 метр чуқур бурғулаш қудуғи қазилади ва 350 метр ер ости кон-қидирув ишлари бажарилади.

380 тонна пўлат қувурлар, 200 тонна цемент, 140 кубометр ёғоч-тахта, 30 тонна портловчи моддалар, 170 тонна шартли ёқилғи, 300 минг киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилишга эришилади.

Камида 6700 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи тайёрланади ва малакаси оширилади.

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича йиллик план муддатидан илгари 26 декабрда бажарилади ҳамда планга қўшимча 130 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, министрлик заводларида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш плани камида 10 процент ошириб бажарилади.

Министрликнинг ишчилар таъминоти бошқармаси бўйича товар оборот плани 180 минг сўм ошириб бажарилади.

Колхозларга ҳосил йиғим-теримида оталик ёрдами кўрсатилади, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун 30 та гидрогеологик қудуқ топширилади. Ёрдамчи хўжаликлар маҳсулоти ҳисобига дала геология-қидирув экспедициялари ва партиялари меҳнаткашлари учун 280 тонна гўшт, 275 тонна сут, 500 тонна сабзавот ва картошка етказиб берилади, айни вақтда қорамоллар минг бошга, чўчқалар 3200 бошга ва қўйлар 4500 бошга етказилади.

ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ

Энергия системасининг авариясиз ишлаши ҳисобига халқ хўжалигини электр ва иссиқлик энергияси билан бир маромда таъминлашга эришилади. Ускуналарнинг ишга тайёр туриши пландагидан бир процентга оширилади.

Меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига иш вақтини йўқотиш 20 процент камайтирилади.

Бир киловатт-соат электр энергияси етказиб беришга кетадиган ёқилғи солиштирма сарфини 0,2 граммга камайтириш кўзда тутилади. 37,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси, жумладан 21 миллион киловатт-соат электр энергия тежалган ёқилғи ҳисобига ҳосил қилинади. Планга қўшимча 1,2 миллион сўм фойда олинади.

Ремонт қилиш муддатини планда белгиланганидан 1 процент қисқартириб, агрегатларни «аъло» ва «яхши» баҳолар билан капитал ремонт қилиш таъминланади. 2650 та рационализаторлик таклифи, янги техника бўйича 45 тадбирни жорий этиш, шунингдек, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ҳисобига шартли равишда 515 кишини бошқа ишга ўтказишдан 2,6 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

Электр энергиясини уни тармоқлар орқали етказиб бериш ва электростанцияларнинг ўз эҳтиёжлари учун сарфлаш 18 миллион киловатт-соатга камайтирилади. 100 тонна металл прокати, 150 тонна цемент, 110 кубометр ёғоч-тахта, 150 тонна дизел ёнилғиси, 500 тонна автобензин иқтисод қилинади. Шу йилнинг биринчи кварталида Сирдарё ГРЭСнинг тўртинчи ва еттинчи энергия блоклари капитал-тиклаш ремонтидан кейин ишга тушириладилар.

Фарғона ТЭЦида ТГМ-84 қозон агрегати муддатидан илгари, май ойида ўзлаштирилади.

Аму-Бухоро машина каналини реконструкциялаш учун қуввати 125 минг киловольт-амперга теңг бўлган 220 киловаттли «Ҳамза» подстанцияси, 63 минг киловольт-ампер қувватли Қизилтепа, иккита ҳар бири 16 минг киловольт-ампер трансформатори бўлган 110 киловольтли Свердлов подстанцияси ва уларга электр узатиш линиялари муддатидан илгари 1 июнда ишга туширилади.

Кучланиши 35 киловольт ва ундан юқори бўлган 712 минг киловольт-ампер трансформатор қувватлари, турли кучланишдаги 6970 километр электр узатиш линияларини муддатидан илгари, энергетиклар кунида —22 декабрда ишга туширилади. Планга қўшимча 33 километр электр узатиш линияси, 500 минг сўмлик асосий фондлар ишга туширилади. Тошкент шаҳрида ҳизмат муддати тамом бўлган 30 километрлик иссиқлик шоҳобчалари министрликнинг ўз кучи билан янгиланади.

1630 янги ишчи тайёрланади, 4610 ишчи, 1150 инженер-техник ходим ва хизматчининг касб маҳорати оширилади.

Дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар, дам олиш зоналари ва базаларида камида 11 минг ходим ва пионер лагерларида 4000 бола соғломлаштирилади. Камида 7,8 минг меҳнатчи физкультура ва спортга жалб этилади. Тармоқ корхоналарида бешта ёрдамчи хўжалик ташкил этилади.

ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Беш йилликнинг уч йили плани муддатидан илгари, 13 декабрда бажарилади ва беш йиллик уч йили ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати топшириқдаги 116,8 ўрнига 119,2 процент бўлиши таъминланади.

Маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажмини пландагидан 1,2 процент ортиқ, яъни 3,1 процент ўстириш таъминланади. Планга қўшимча 36 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 200 минг квадрат-метр шойи газлама, 50 минг дона трикотаж буюм, жумладан, 20 минг дона болалар трикотажи, 50 минг жуфт пайпоқ, 120 минг жуфт чарм пойабзал, шу жумладан 60 минг жуфт болалар пойабзали, 3 миллион сўмлик тикувчилик буюмлари реализация қилинади.

Янги техника ва технология бўйича иқтисодий самараси 9 миллион сўм бўлган 240 тадбир жорий этилади. 4360 та янги ускуна ўрнатилади, 20 цех ва участка комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, 25 автомат, ярим автомат ва механизациялашган поток линия монтаж қилинади. Қўл меҳнатининг салмоғи 1982 йилдагига нисбатан 0,3 процент камайтирилади ва шартли равишда камида 2000 киши бошқа ишга ўтказилади.

Иқтисодий самараси камида 8 миллион сўм бўлган 3500 рационализаторлик таклифи жорий этилади. 550 буюм давлат Сифат белгиси олиш учун тавсия этилади ва уларнинг ишлаб чиқариш жами ҳажмидаги салмоғи 21 процентга етказилади. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулига ишчиларнинг 50 проценти, шу жумладан, ип-газлама тармоғи корхоналарида уларнинг 30 проценти ўтказилади.

Ёқилғи ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига 150 тонна пахта толаси, 50 минг квадрат метр газлама, 8 миллион киловатт-соат электр энергияси, 27,6 гигакалорий иссиқлик энергияси, 1,5 минг тонна шартли ёқилғи тежалади. Планга қўшимча камида 1 миллион сўм фойда олинади. Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни яхшироқ ташкил этиш ҳисобига иш вақтини йўқотишни 0,1 процент камайтириш таъминланади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлиги, ишга келмаслик ва маъмурият рухсати билан ишга чиқмаслик ҳолларини камайтириш, ускуналарнинг кўзда тутилганидан ортиқча туриб қолишини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 0,1 процент оширилади, бир сўм товар маҳсулоти учун харажатлар 0,05 тийин камайтирилиб, қўшимча равишда 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган 16 объект, шу жумладан, СССР 60 йиллиги номли Андижон ип-газлама комбинатида, КПСС XXV съезди номли Бухоро тўқимачилик комбинатида пардозлаш фабрикалари ва Чинобод, Ҳаққулобод, Жарқўрғон, Китоб, Ургут, Паркент, Учқўрғон шаҳарлари, Жиззах областининг «Москва» колхози ҳамда Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов районларида ўн филиал ишга туширилади. 1982 йили ишга туширилган етти тўқимачилик филиалида қувватларнинг барвақт ўзлаштирилиши таъминланади. Ишлаб чиқаришда 18500 ишчи тайёрланади ва 24200 ишчининг малакаси оширилади. 3,6 минг квадрат-метр саҳнга эга уй-жой ва 480 ўринли ётоқхона қурилади.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишчиларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш тадбирлари амалга оширилади, шу мақсадлар учун 3,5 миллион сўм сарфланади.

Тармоқ корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида қорамоллар 900 бошга, қўй ва эчкилар 800 бошга, парранда 20 мингтага етказилади, 67 тонна гўшт, 600 минг дона тухум, 230 тонна сут ишлаб чиқарилади.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари, 27 декабргача бажарилиб, планга қўшимча 50 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажми 1982 йилдагига нисбатан уч процент ўсиши таъминланади.

Планга қўшимча равишда 16,4 минг тонна пахта толаси, 1,8 минг тонна линт, 150 тонна канап толаси, 30 минг квадрат метр ўрама газлама тайёрланади. Маҳсулот ўсишининг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Пахта ва канапнинг тўла сақлаб қолиниши, уларнинг сифатли қайта ишланиши ва тайёр маҳсулотнинг истеъмолчиларга белгиланган ассортиментда етказиб берилиши таъминланади. Хом ашёни сақлаш вақтида нобуд бўлиши ва ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириб, нормативдаги даражага келтирамиз. Уруғлик чигитни сақлашни таъминлаб, уни ГОСТ талабларига қатъий риоя қилган ҳолда етказиб берамиз.

Пахтакор хўжаликларга 15 мартга қадар 250 минг тонна сифатли уруғлик чигит тайёрлаб, етказиб берамиз. Жумладан, 7 минг тоннадан зиёд поливинилпирролидон препарати билан капсула қилинган уруғлик чигит етказиб берамиз.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, материал ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан камида 4,3 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1300 тонна шартли ёқилғи, 160 минг квадрат метр маҳсулот ўраш учун ишлатиладиган газламани, 90 тонна цемент, 73 кубометр ёғоч материаллари, 210 тонна сим тежаб қоламиз. Москва ва Хонқа пахта тозалаш заводларида нотўқима материаллар ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш ҳисобига 2 миллион кубометр дагал газлама тежалади.

Ҳар бир меҳнатчининг онгли интизоми, меҳнатни аниқ ташкил этиш, ҳар бир коллективнинг меҳнат активлиги ҳисобига ҳамма турдаги нобудгарчиликни қисқартириб, меҳнат унумдорлиги 0,1 процент оширилади, ҳар бир сўмлик товар маҳсулот ҳисобига чиқимлар 0,1 тийин камайтирилади ва қўшимча равишда 4,2 миллион сўмлик товар ишлаб чиқарилади.

Пахтани қуритиб тозалайдиган 15 та поток линия, 19 та пахта қуритиш барабани, 60 та иссиқлик агрегати, 48 та аррали жин машинаси, 138 та линтер машинаси, 310 та ХПП-КЛП-650 қабул қилиш ва узатиш комплекти, пахта маҳсулотлари сифатини баҳолайдиган 300 та прибор, луб толасини дастлабки қайта ишлайдиган 20 та технологик машина муддатидан илгари фойдаланишга топширилади. Йиллик шартли иқтисодий самараси 1,9 миллион сўмлик 1840 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида пахта толасининг 92,5 проценти, линтнинг 98,5 проценти ГОСТ талаблари доирасида ишлаб чиқарилиши таъминланади.

Асосий ишлаб чиқариш бригадаларидан 335 таси меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг коллектив формасига ўтказилиб, бу бригадалар умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги маҳсулотнинг камида 70 процентини ишлаб чиқариши таъминланади.

1983 йилда 7 та янги пахта тозалаш заводи қурилиб, 2 та завод, 3 та пахта пункти, 20 та қуритиш-тозалаш цехи, 60 та пахта ва чигит омбори, 10 минг квадрат метр уй-жой, 1400 ўринли болалар муассасалари ва 320 ўринли пионер лагерлари ремонт қилинади, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича 1,7 миллион сўмлик номенклатура тадбирлари ўзлаштирилади.

2800 янги ишчи тайёрланиб, 6600 ишчи ва 2100 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Иқтисодий ўқишнинг ҳамма турларига 18500 дан ортиқ киши жалб этилади.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида қора моллар сони 3700 бошга, жумладан сигирлар 1100 бошга, қўйлар 7 минг бошга, паррандалар 30 мингтага етказилади ҳамда 240 тонна гўшт, 500 тонна сут етиштирилади. 1985 йил охирига бориб, ҳар бир ишловчи ҳисобига гўшт етиштириш 32 килограммга етказилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича беш йиллиннинг уч йиллик топшириғи 15 декабргача бажарилади, планга қўшимча 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Реализация ҳажми бўйича йиллик план 26 декабргача бажарилиб, планга қўшимча 18 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Фан ва техника ютуқларини жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини реконструкциялаш, техника билан қайта қуроллантириш асосида ва бошқа резервлар ҳисобига саноат маҳсулоти ҳажми 3,9 процент ўсиши таъминланади, бу эса планда кўзда тутилганидан 1,8 процент кўпдир. Меҳнат унумдорлиги 3,5 процент, жумладан, иш вақтининг исроф бўлишини камайтириш 0,2 процент оширилади ва саноат маҳсулоти ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билан эришилади.

Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшилиб, планга қўшимча 3 минг тонна ўсимлик мойи, 2,5 минг тонна тозаланган ёғ, 100 тонна маргарин маҳсулоти, 15 тонна майонез, 400 тонна кондитер маҳсулотлари, жумладан 50 тонна миллий кондитер маҳсулотлари, минг тонна макарон маҳсулотлари, минг тонна қадоқланган натураль чой, 71 минг дал алькоголсиз ичимликлар, жумладан 54 минг дал «пепси кола» ичимлиги, 2154 минг шиша минерал сувлар, 30 минг дал сортли пиво, 400 тонна резина қақич, 900 тонна қадоқланган қизил қалампир, 500 тонна кир совун, 300 тонна атир совун, 15 тонна глицирин, 600 тонна ферментланган тамаки ишлаб чиқарилади, 10 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Тандир нон ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилади ва вазни енгиллаштирилган нон булочка маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани 10 процент ошириб бажарилади. Сут зардобидан фойдаланиш 17 процент кўпайтирилади ва шу ҳисобдан нон-булочка маҳсулотлари сифати анча яхшиланиб, 80 тонна ун тежаб қолинади.

Шартнома мажбуриятларига мувофиқ равишда маҳсулот етказиб бериш таъминланади.

Иқтисодий самараси 2,5 миллион сўмлик 19 та илмий-техника тараққиётини тезлаштириш тадбирлари жорий этилади. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 1,6 процент камайтирилади. Иқтисодий самараси 1,2 миллион сўмлик 500 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Ягона наряд бўйича ҳақ тўланадиган меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси бўйича ишлайдиганлар салмоғи 55 процентга етказилади ва уларнинг кучи билан умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги маҳсулотнинг камида 50 проценти тайёрланади.

Иш вақтининг исроф бўлишига қарши кескин кураш олиб бориш, прогулларни камайтириш, маъмуриятнинг ижозати билан ишга келмаслик ҳолларини ва технологик ускуналарнинг планда белгиланганидан ортиқча туриб қолишларини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 0,2 процент оширилади, ҳар 1 сўмлик товар маҳсулот т

ЮКСАК МАРРАЛАР

(Бошы иккинчи бетда).

кеча-кундузда 200 килограмм маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган озиқ-овқат оқсиллари ишлаб чиқарувчи тажрибасаноат қурилмасини. Тошкент булочка-кондитер комбинатида узун макарон ишлаб чиқарадиган линияни. «Ташкентпиво» бирлашмасининг Қибрайдаги пиво-алькоголсиз ичимликлар қуйиш линияси муддатидан илгари, норматив муддатидан бир ой олдин ўзлаштирилади.

Меҳнат шароитини ва ходимларнинг турмушини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича асосий тадбирлар комплекс планнинг сўзсиз бажарилиши таъминланади.

3800 янги ишчи тайёрланади, малака ошириш курсларида 4800 ишчи, инженер-техник ходим, 570 хизматчи ўқитилади, 14100 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Системага қарашли 56 корхонанинг ҳаммасида ёрдамчи хўжалик барпо этилиб, қора моллар 2600 бошга, қўйлар 4 минг бошга, чўчқалар 920 бошга, паррандалар 1400 тага етказилади. Улардан 600 тонна гўшт ёни ҳар бир ишловчи ҳисобига 25 килограмм гўшт етиштирилади.

ГЎШТ ВА СУТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулотларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича йиллик план муддатдан олдин, 25 декабрда бажарилиб, планга қўшимча 12 миллион сўмлик маҳсулот, жумладан, ўпка-жигарлар билан қўшиб ҳисоблаганда 1500 тонна биринчи категориядаги гўшт, 2500 тонна колбаса маҳсулотлари, шу жумладан 500 тонна ўпка-жигардан қилинган колбаса, 3 минг тонна қадоқланган гўшт, 700 тонна мол ёғи ва 12 минг тонна ёғи олинмаган сут реализация қилинади.

Саноат ишлаб чиқаришнинг пландагича нисбатан 2,2 процент кўп, яъни 4,2 процент ўсиши таъминланади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Иккинчи даражали маҳсулот хом ашёсидан оқилона фойдаланиш ва оқсил қўшимчаларини қўллаш йўли билан гўшт маҳсулотлари ресурслари 500 тоннага кўпайтирилади, ёғи кам маҳсулотларни қўшимча равишда ишлаб чиқариш ҳисобига 1200 тонна сут тежаб қолинади, 1,7 миллион киловатт-соат электр энергияси 5,1 гигакалорий иссиқлик энергияси ва 0,5 минг тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг ҳамма турдаги исроф бўлишини, кадрлар қўнимсизлигини, технологик ускуналарнинг планда белгиланганидан ташқари бекор туриб қолишини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 0,2 процент оширилиб, ҳар бир сўм маҳсулот ишлаб чиқаришга харажатлар 0,04 тийин камайтирилади ва қўшимча равишда 1,1 миллион сўмлик гўшт, сут маҳсулотлари тайёрланади.

Беш хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, янги техника ва технология бўйича иқтисодий самараси 345 минг сумлик 30 тадбир амалга оширилади. Асосий ишлаб чиқаришда автоматлаштириш ва механизациялаш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 1 процент камайтирилади. Йиллик шартли иқтисодий самараси 345 минг сўмлик камида 375 рационализаторлик таклифи жорий этилади. Ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланиш, воишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига планга қўшимча 300 минг сўм фойда олинади. Қарши ва Каттақўрғон сут заводларида ва Самарқанд гўшт комбинатида янги қувватлар муддатидан олдин, норматив муддатлардан уч ой илгари ўзлаштирилади.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг коллектив формаси асосида ишлашга 300 бригада ўтказилади ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг салмоғи 50 процентга етказилади. 535 янги ишчи тайёрланади, 1450 ишчи, 355 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, иқтисодий таълимнинг ҳамма турларига камида 5600 киши жалб этилади.

Тармоққа қарашли ўн корхонада қўшимча ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиб, қора моллар 200 бошга, қўйлар 1000 бошга, чўчқалар 2500 бошга, паррандалар 10 мингтага етказилади. 27 тонна гўшт, 40 тонна сабзавот ва мева етиштирилади.

МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Беш йиллликнинг уч йили плани муддатидан олдин, 25 декабрда бажарилиб, товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши планда белгиланган 20,1 процент ўрнига 29 процентга етказилади.

Товар маҳсулот тайёрлаш 1983 йил плани 23 декабрда бажарилиб, планга қўшимча 4 миллион сўмлик маҳсулот, жумладан 3,9 миллион сўмлик мебель реализация қилинади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 9,9 процент ўсиши таъминланади. Техника ва технологияни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, прогулчиларга қарши доимий муросасиз кураш олиб бориш, маъмурият рухсати билан ишга келмаслик ҳолларини ва кадрлар қўнимсизлигини, технологик ускуналарнинг бекор туриб қолишини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 6,8 процент оширилади ва шу ҳисобдан ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 70 процентига эришилади, ҳар бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажатлар 0,2 тийин камайтирилади ва қўшимча равишда 700 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрлаб берилади.

Бухоро мебель фабрикаси реконструкцияси тугалланади, Қува мебель фабрикаси қувватлари муддатидан олдин ўзлаштирилади. 5 та автомат линия, йиллик шартли иқтисодий самараси 350 минг сўмлик камида 200 рационализаторлик таклифи жорий этилади. Қўл меҳнати салмоғи 1,5 процент камайтирилади.

Мебелнинг 5 тури давлат Сифат белгисига тақдим этилади. Сифат белгиси қўйилган маҳсулотни ишлаб чиқариш умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 32 процентига етказилади. 32 хил янги буюмнинг, жумладан 5 хил мебель наборини оммавий равишда ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

83 минг сўмлик хом ашё ва материаллар, 700 минг киловатт-соат электр энергияси, 70 тонна шартли ёқилғи, 350 гигакалорий иссиқлик энергияси тежаб қолинади. Плондан ташқари 250 минг сўмлик фойда олинади. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш камида 6 процент кўпайтирилади.

1200 янги ишчи тайёрланади, 1300 ишчи ва 172 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади, иқтисодий ўқишга 2300 киши жалб этилади.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш чоралари амалга оширилади, ана шу мақсадлар учун 1,6 миллион сўм ажратилади. Қува мебель фабрикаси коллективи учун 140 ўринли болалар боғчаси муддатидан олдин ишга туширилади.

Ҳамма корхоналарда ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилинади. Уларда қора моллар 250 бошга, қўйлар 350 бошга, чўчқалар 300 бошга, паррандалар 10 мингтага етказилади, 20 тонна гўшт, 200 минг дона тухум етиштирилади.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Беш йиллликнинг уч йили плани товар маҳсулот ҳажми бўйича муддатидан илгари, 15 ноябрга бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажми беш йиллик планда тасдиқланган 121,4 процент ўрнига 129,4 процент ўсишига эришилади.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 1983 йил плани 23 декабрга бажарилиб, планга қўшимча 10 миллион сўмлик маҳсулот, жумладан, 1 миллион сўмлик халқ бадиий ҳунармандчилик ва тикувчилик буюмлари, 0,8 миллион сўмлик маданий-маиший, хўжалик ва ёдгорлик буюмлари реализация қилинади. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш 1982 йилдагига нисбатан плондаги 4,1 процент ўрнига 6,1 процент кўпайтирилади.

Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириб, иш вақтидан оқилона фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 2,7 процент ошириб бажарилади ва саноат маҳсулоти ўсишининг 75 процентига шу йўл билан эришилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни аниқ ташкил этиш, иш вақтининг ҳар хил исроф бўлишларини камайтириш, кадрлар қўнимсизлигини, ускуналарнинг бекор туриб қолишини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 0,2 процент оширилади, ҳар бир сўм товар маҳсулот ишлаб чиқаришга чиқимлар 0,05 тийин камайтирилади ва қўшимча равишда 1,3 миллион сўмлик халқ хўжалик ва маданий-маиший буюмлар тайёрланади.

Янги техника бўйича 175 тадбир, 8 та ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линия, иқтисодий самараси 480 минг сўмлик 270 рационализаторлик таклифи жорий этилади, қўл меҳнати салмоғи 0,5 процент камайтирилади.

Маҳаллий хом ашё ва саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларидан фойдаланиб, тайёрланадиган маҳсулот умумий ишлаб чиқариш ҳажми 12 процентга етказилади, жумладан планга қўшимча равишда ана шундай маҳсулотлардан 2,5 миллион сўмлик ишлаб чиқариладн.

176 буюм давлат Сифат белгисига тақдим этилади ва Сифат белгиси билан чиқариладиган маҳсулот салмоғи умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 8 процентига етказилади. Аттестацияга тақдим этилган маҳсулотлар салмоғи 11,1 процентга етказилади.

460 хил янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, жумладан, сунъий чарм чиқиндиларидан галантерия буюмлари, новда ва похолдан тўқилган буюмлар, «Минг хил майда-чуйдалар» группасидаги буюмларни металл чиқиндиларидан ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Ички резервларни сафарбар этиш ва тежамкорлик режимини кучайтириш ҳисобига планга қўшимча равишда 250 минг сўм фойда олинади.

2,6 миллион киловатт-соат электр энергияси, 3,9 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 3 минг тонна шартли ёқилғи, 478 тонна металл тежаб қолинади.

Андижон шаҳрида тикувчилик галантерия фабрикаси, Фарғона область Файзиобод посёлкасида жун йигириш фабрикаси қувватлари муддатидан олдин ўзлаштирилади. Мактаб ускуналари ва спорт инвентарлари Сирдарё заводи қувватлари муддатидан олдин ўзлаштирилади.

3540 янги ишчи тайёрланади, 2200 ишчи, 460 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 8100 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Меҳнаткашларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш бўйича социал программа бажарила бориб, 160 ўринли пионер лагери, 50 ўринли ошхона, 2,76 минг квадрат метр уй-жой ишга туширилади.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида қора моллар 236 бошга, қўйлар 1400 бошга етказилади. 50 тонна сабзавот ва мева етиштирилади, 47 тонна гўшт, 60 тонна сут реализация қилинади.

ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ

Ўн биринчи беш йиллликнинг товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича уч йиллик плани 1983 йил 15 декабрда бажарилади, планга қўшимча 45 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, реализация қилинади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича йиллик план муддатидан олдин, 25 декабрда бажарилади ва планга қўшимча 10,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Реконструкцияни тезлатиш ва техника билан қайта қуроллантириш, қувватларни ўзлаштириш ҳисобига 1983 йилда йиллик планга қўшимча равишда 12 минг тонна сортли ун, 10 минг тонна гуруч, крупа ва 10 минг тонна аралаш озуқа тайёрланади.

Планга қўшимча 550 минг сўм фойда олинади. Донни қайта ишлашнинг прогрессив технологияси ва илгор тажрибаларни жорий этиш ҳисобига юқори навли ун олиш ҳисоб нормасидагига нисбатан 1,1 процент кўпайиши таъминланади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилиб, прогуллар, ишга кеч қолишларнинг кескин камайишига, кадрлар қўнимсизлигининг пасайишига эришилади ва шу асосда саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги белгиланган топшириқдагига нисбатан 1,7 процент оширилади. Ана шу омил ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 65 процентига эришилади.

Темир йўл ва автомобиль транспортининг юк ортиш ва туширш вақтида тўхтаб туриши мумкин қадар камайтирилади.

430 та рационализаторлик таклифни жорий этишдан 300 минг сўмлик самара олинади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 1,3 процент камайтирилади.

Дон қабул қилиш корхоналари моддий-техника базасини маҳсулот қабул қилиб олишга тайёрлаш — бошоқли экинлар донини тайёрловчи корхоналарда 25 майгача, маккажўхори, дони ва шоли тайёрловчи корхоналарда 25 июнгача таъминланади. Дон маҳсулотлари, уруғлик, аралаш озуқа ва тошторозиларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан тўла сақланиши таъминланади. Йил давомида 2900 ишчи тайёрланади ва малакаси оширилади. Камида 4100 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Белгилаб қўйилган сарф-харажатлар нормасидан ташқари 5,8 миллион киловатт-соат электр энергияси, 800 гигакалорий иссиқлик энергияси тежаб қолинади.

Меҳнат шароити, ишловчиларга маиший ва маданий хизмат кўрсатиш яхшиланади, маиший биноларнинг, хотин-қизлар шахсий гигиенаси хоналарининг, коржомаларни чангдан тозалаш хоналарининг, шунингдек, хавфсизлик техникаси хоналарининг бежирим ишлаши таъминланади.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш эстетикасини оширишга ёрдам берадиган ҳовлиларни ободонлаштириш ишлари давом эттирилади. Камида 25 минг туп дарахт ва манзарали бута кўчатлари ўтказилади.

МЕВА-САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик план муддатидан илгари, 23 декабрда бажарилиб, планга қўшимча 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми 1982 йилдагига нисбатан 3,1 процент оширилади.

Планга қўшимча 100 тонна қуруқ мева, 5 минг декалитр коньяк тайёрланади, 500 минг декалитр вино маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва ишлордан ўтказилади. Иш вақтининг бекор кетишини камайтириш, юксак интизом ва меҳнатни ташкил этиш, фан-техника тараққиётини тезлатиш асосида навли маҳсулотларнинг умумий ҳажмида олий навдаги консервалар ва юқори сифатли вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи 70 процентга етказилади.

5 минг декалитр вино маҳсулотлари, 5,3 минг тонна шартли ёқилғи, 31 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 1200 минг киловатт-соат электр энергияси, 1820 тонна бензин, 1430 тонна дизель ёнилғиси, 220 тонна қора металлар прокати, 370 тонна цемент, 850 кибометр ёғоч материаллар тежаб қолинади.

Янги техника бўйича 12 тадбир, жумладан, 10 та автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линия жорий этилади. Қўл меҳнати салмоғи 2,3 процент камайтирилади. Меҳнат унумдорлиги 1 процент оширилади. Планга қўшимча равишда 500 минг сўм фойда олинади. Фарғона ва Ғазалкент консерва заводларида АС—550, Шаҳрисабз консерва заводида ЛУ—3 линиялари ишга туширилади ва муддатидан олдин ўзлаштирилади.

Автотранспортда юк ташиш плани 28 декабргача бажарилади ва планга қўшимча 30 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилади.

Ёрдамчи хўжаликларда қора моллар сони 1000 бошга, чўчқалар 250 бошга, қуш ва эчкилар 2 минг бошга, паррандалар 7 мингтага етказилади ва 100 тонна гўшт, 200 тонна сут етиштирилади.

Товар оборот йиллик плани муддатидан илгари, 29 декабрда бажарилиб, аҳолига планга қўшимча равишда 350 минг сўмлик товарлар сотилади.

2 минг янги ишчи тайёрланади, 2500 ишчи ва 300 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Камида 8 минг киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ

Ҳамма турдаги алоқанинг ишончли, узлуксиз ишлаши таъминланади. Москвалиқларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ташаббуси қўллаб-қувватланиб, меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 0,1 процент оширилади. Контроль муддатидан кечиктириб тузатилган телефон бузилишлари миқдори 15 процент камайтирилади.

Таариф даромадлари плани 300 минг сўмлик, фойда олиш плани 100 минг сўмлик ошириб бажарилади. Планга қўшимча 280 минг сўмлик товарлар реализация қилинади.

Наманган область, Косонсойдаги 2 минг номерли АТС муддатидан олдин, июнда фойдаланишга топширилади, Тошкент области районларида қишлоқ радиоузелларини автомат контроль қилиб бориш системаси жорий этилади.

Шаҳар ва қишлоқ жойларда тузатилган телефон тармоқлари 86 процентгача оширилади.

Қишлоқ жойларда 1109 участкада вақтли матбуотни етказиб беришни моторлаштириш жорий этилади. Координат автомат телефон станцияларида улардан фойдаланишнинг контроль-корректировка қилиш методи жорий этилади. Телефон тармоқларидан фойдаланувчилар кучи билан қишлоқ телефон тармоқларида 3 минг номер ишга туширилади.

Намунали кўргазмали алоқа узеллари сони 55 тага, алоқа бўлимлари сони 530 тага етказилади.

Прогрессив технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, янги техника тадбирларини жорий этиш ҳисобига 470 минг сўмлик йиллик шартли иқтисодий тежамга эришилади. 1225 рационализаторлик таклифи жорий этилиб, бундан 135 минг сўмдан ортиқ шартли тежамга эришилади.

Ресурслардан тежаб фойдаланиш юзасидан ташкилий-техник тадбирларни жорий этиш ҳисобига 1 миллион киловатт-соат электр энергияси, 50 тонна бензин, 25 тонна дизель ёнилғиси, 46 тонна цемент, 11 тонна металл ва 47 кубометр ёғоч материалларн тежаб қолинади.

Ёрдамчи хўжаликларда моллар сони икки баравар кўпайтирилади. 130 тонна мева, 765 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади.

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ

Юк ташиш йиллик плани 30 декабргача, пассажир ташиш плани 29 декабргача, саноат маҳсулотини реализация қилиш 28 декабргача бажарилади, юк ташиш ҳажмининг ўсиш суръати 1982 йилдагига нисбатан 4 процент ошиши таъминланади.

Планга қўшимча равишда 3,2 миллион тонна юк, 15 миллион пассажир ташилади. 440 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади, аҳолига 220 минг сўмлик транспорт хизмати кўрсатилади, планга қўшимча 1 миллион сўм фойда олинади.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, юк ортиш ва туширш вақтида бекор туришни ва ноишлаб чиқариш исрофгарчиликларини қамайтириш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш ҳисобига юк ташишда меҳнат унумдорлиги 1,6 процент, саноатда 2,3 процент, қурилишда 3 процент ўсиши таъминланади. Саноат маҳсулоти ҳажми ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Юк автомобилларидан фойдаланиш коэффициенти 0,701 га, автобуслардан фойдаланиш коэффициенти 0,740, енгил таксилардан фойдаланиш коэффициенти 0,828 га, юк автомобиллари иш режими 10,2 соатга етказилади. Шаҳарлараро марказлаштирилган юк ташиш ҳажми 3,2 миллион тоннага етказилади. Бўш кетаётган 420 минг автомобиль йўл-йўлакай юк билан таъминланади. 6,87 миллион тонна юк контейнерларда, пакетларда ва поддонларда ташилади, прицепларда юк ташиш ҳажми 27,5 миллион тоннага етказилади.

Юкларнинг камида 37 процента ва пассажирларнинг 26 процента бригада пудрати усулида ташилади.

Авторемонт ва шина ремонти заводларида халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 8,2 миллион сўмликка кўпайтирилади. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан 200 минг сўмлик ички ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун буюмлар ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 1,35 миллион сўмлик шартли йиллик тежамга эришилади.

Тармоқда социал вазифаларни ҳал этиш мақсадида Хива шаҳрида 140 ўринли болалар боғчаси, Тошкент областининг Калинин районида бир кунда 360 кишига хизмат кўрсатиладиган поликлиника, 56-автокорхонада 100 ўринли профилакторий муддатидан олдин ишга туширилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўз вақтида ва нобуд қилмай ташиб берилади. Мавжуд ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш давом эттирилади ва КПСС Марказий Комитетининг (1982 йил) май Пленуми қарорлари асосида янгидан 43 та ёрдамчи хўжалик ташкил этилади. Уларда камида 63 тонна гўшт етиштирилади.

8,5 минг тонна бензин, 2,5 минг тонна дизель ёнилғиси, 3 миллион киловатт-соат электр энергияси, 16 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 1,6 минг тонна шартли ёқилғи, 90 тонна металл прокати тежаб қолинади. Тежалган ёнилғи ҳисобига 5 кун ишланади.

16320 ишчи ва 1000 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади. 16080 оммавий касбдаги ишчи тайёрланади. Шундан 10980 киши Автомобиль транспорти министрлиги томонидан тайёрланади.

САВДО МИНИСТРЛИГИ

Товар обороти плани муддатидан олдин 30 декабрда бажарилади ҳамда аҳолига қўшимча равишда 20 миллион сўмлик товар сотилади. Саноат маҳсулотларини тарқоқ тартибда харид қилиш йўли билан 128 миллион сўмлик товарлар ва нормативда белгиланганидан ортиқча запаслар ҳисобига 30 миллион сўмлик товарлар қўшимча равишда товар оборотига киритилади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг ўзида тайёрланган маҳсулотдан планга қўшимча 3,1 миллион сўмлик реализация қилинади. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули билан реализация қилинадиган товарлар салмоғи 65 процентга етказилади. Ярим тайёр маҳсулотлар ва кулинария маҳсулотлари реализация қиладиган 29 магазин ва бўлимлар очилади, 69 та фабрика-завод ва 20 та студентлар ошхоналари комплекс овқатларни реализация қилишга ўтказилади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларида чўчқалар 60 минг бошга, паррандалар 150 мингтага етказилади, 4,0 минг тонна гўшт (гирик вазнда) етиштирилади ва шу ҳисобдан аҳолига 3,5 минг тонна гўшт сотилади.

44 минг тонна шакар, 40 минг тонна ун, 14,5 минг тонна кондитер маҳсулотлари, 13,5 минг тона картошка ва сабзавот 1983 йил 27 декабргача қадоқланиш таъминланади.

7,5 минг дона турли идиш-ускуналар (контейнерлар) ҳамда 3,5 миллион сўмлик номеханик савдо ускуналари тайёрланади. Савдо ускуналаридан фойдаланиш коэффициенти 0,7 дан 0,75 га кўпайтирилади.

Янги магазинлар қуриш ва эскиларини реконструкциялаш ҳисобига савдо майдонларининг 37 минг квадрат метр ўсиши таъминланади. Умумий овқатланиш корхоналари тармоғи 13,4 минг ўринга кўпайтирилади. Капитал маблағларни ўзлаштириш плани 1983 йил 15 декабргача бажарилди. Умуман, йил давомида маблағ билан таъминлашнинг ҳамма манбаалари ҳисобига план 112 процент ўзлаштирилади, асосий фондларни ишга туширш плани 106 процент бажарилади. Планга қўшимча равишда 10 минг квадрат метр умумтовар омборлари ишга туширилиши таъминланади.

Савдо ва умумий овқатланиш бўйича 32 корхонада меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг намунали хизмати барпо этилиб, уларнинг тажрибаси министрлик системасида оммалаштирилади.

285 корхонада Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги савдо ва умумий овқатланиш ходимларидан 2500 кишини қамраб олувчи ишбай ҳақ тўлаш жорий этилади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш мунтазам такомиллаштириб борилади. Меҳнат шароити яхшиланади. Иш вақтининг бекор кетиши қисқартирилиши, меҳнат интизомининг мустаҳкамланиши ҳисобига меҳнат унумдорлиги 6,6 процент оширилади.

Оммавий касбларда ишловчи 3705 ходим, жумладан 2285 кассир-контролёр ва сотувчи, 1315 ошпаз ва қандолатчи тайёрланади.

1500 хотин-қиз, 1370 ёш йигит ва қизлар давлат савдосига жалб этилади ва сотувчилик касбларига ўргатилади.

МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОЮЗИ (ЎЗБЕКБИРЛАШУВ)

Чакана савдо товар обороти плани муддатидан олдин, 30 декабрда бажарилиб, планга қўшимча 20 миллион сўмлик товар сотилади. Умумий овқатланиш корхоналарида 5 миллион сўмлик маҳсулот сотилади. Норматив белгиланганидан ортиқча запаслардан 50 миллион сўмлик товарлар оборотга киритилади.

150 магазин харидор ўзига-ўзи хизмат кўрсатадиган усулга ўтказилади. Бу усулда товар сотиш 92 процентга етказилади. 9 та район матлубот союзида ва район матлубот жамиятида савдо комплекс рационализациялаштирилади, 90 та ихтисослаштирилган магазин ташкил этилади. Савдо базаларида ва йирик савдо корхоналарида 30 декабргача камида 125 минг тонна озиқ-овқат товарлари қадоқланиб, ўралиши таъминланади. Савдо ускуналаридан фойдаланиш коэффициенти 0,72 дан 0,75 га чиқарилади.

Баҳорги дала ишлари даврида дала шийпоналарида 2200 та сотувчисиз дўконлар ташкил этилади, оммавий пахта йиғим-терими вақтида уларнинг сони 5700 тага, кўчма дўконлар 1750 тага етказилади. Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари харид қилиш ҳамда умумиттифоқ фондига етказиб бериш плани 7 ноябргача бажарилади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамда хом ашёни тайёрлаш ва харид қилиш плани 25 декабргача бажарилади. 7 минг тонна сабзавот ва қовун-тарвуз халқ усулида сақланиши таъминланади.

Молларни харид қилиш, уларни сўқимга ва бўрдоқига боқиш, чўчқалар ва паррандаларни парваришлаш ҳисобига 100 минг тонна гўшт етиштирилиб, савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш корхоналари орқали аҳолига реализация қилинади, бўрдоқичилик хўжаликларида молларни семиртириш йўли билан 17 тонна гўшт етиштирилади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани 30 декабргача бажарилади. Янгиларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳисобига магазинларнинг савдо майдони 28 минг квадрат метр, умумий овқатланиш корхоналари тармоғи 20795 ўринга кенгайтирилади.

Кооператив техникумларда 3600 мутахассис тайёрланади, 7380 киши оммавий касбларга ўргатилади. Савдо соҳасида ишлашга 6500 хотин-қиз жалб этилади. Иш вақтининг бекор кетишини қисқартириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, янги техника ва ускуналарни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 6,5 процент оширилади.

Аҳолини кооперациялаш бўйича йиллик топшириқ 20 декабргача бажарилади, планга қўшимча равишда 5 минг киши кооперативларга жалб этилади.

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРЛИГИ

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани 30 декабргача бажарилади. Маиший хизмат кўрсатиш плани 9,7 процент, жумладан, қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 12,6 процент оширилади, аҳолига қўшимча равишда 1,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади. Иш вақтининг бекор кетишини қисқартириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, янги техника ва технологияни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 7,5 процент оширилади. Аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини ўстиришнинг 75 процентига шу йўл билан эришилади. Фойда олиш плани 700 минг сўмга оширилади.

230 минг киловатт-соат электр энергияси, 430 тонна кўмир, 420 тонна металл тежаб қолинади.

Республика маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида 400 минг дона янги технологик усуллар ва янги техника бўйича 20 тадбир, 420 та кичик механизациялаш воситалари, йиллик шартли иқтисодий самараси 665 минг сўм бўлган камида 185 рационализаторлик таклифи жорий этилади. Шу ҳисобдан қўл меҳнати салмоғи 0,4 процент камайтирилади.

Абонент бўйича хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва такомиллаштириш давом эттирилади ва унинг ремонт қилиш салмоғи радио-телеаппаратура бўйича 18 мингтага, мураккаб рўзғор техникасини ремонт қилиш бўйича 7,5 мингтага етказилади.

Тушган буюртмаларни «Бугунгисини бугун», «Бугунгисини эртага» принципи асосида бажариш йўли билан хизмат кўрсатиш формалари ҳамма жойда такомиллаштирилади.

Мураккаб рўзғор техникасини буюртмачиларнинг уйида ремонт қилиш ҳажми 80 процентга, радио-телевизион аппаратураларни буюртмачилар уйида ремонт қилиш ҳажми аҳолига кўрсатилаётган хизмат умумий ҳажмининг 68 процентига етказилади.

Ялпа буюртма бўйича кийим тикадиган 30 та устахонани иккинчи ва биринчи разрядли ательега айлантириш йўли билан хизмат кўрсатиш сифати оширилади. Хизмат кўрсатишнинг 15 та янги тури ўзлаштирилади. Барча область марказларида ломбардлар, Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларида болалар инвентари прокатлари, Жиззах, Косон, Гулистон шаҳарларида «Гўзаллик» салонлари, Наманган шаҳрида маросимларда хизмат кўрсатиш учун «Хизмат» фирмаси ташкил этилади.

Белгиланган халқ хўжалиги планига қўшимча равишда камида 15 та маиший хизмат объекти қурилиши (реконструкцияси) амалга оширилади, қишлоқ жойларда 140 комплекс қабул пунктлари очилади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш мунтазам такомиллаштириб борилади. Тармоқда 10 минг ходим тайёрланади ва малакаси оширилади.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ БОШҚАРМАСИ

Халқ хўжалик юкларини ташиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилади ва йиллик топшириққа қўшимча равишда камида 100 минг тонна юк жўнатилади. Ҳаракатдаги составлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва фойдаланиш ишлари сифатини яхшилаш эвазига локомотивлар унумдорлигини плондагидан 4 минг тонна километр бруттога оширишга эришилади. Юк вагонлари оборотини тезлаштириш топшириқдагидан 0,01 суткага ўстирилади. Ҳар бир вагонга ортиладиган юкларнинг статистик ҳажми кўпайтирилади. Қўшимча юк ортиш учун камида 7,5 мингта вагон бўшатиб берилади.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти йўқотилишини камайтириш, прогулчиларга нисбатан кураш олиб бориш йўли билан меҳнат унумдорлиги топшириқда белгиланганига нисбатан 0,1 процентга оширилади ва планда белгиланганидан 0,1 процент ҳажмида юк ташишлар таннархи камайтирилади ҳамда планга қўшимча равишда салкам 100 минг сўм фойда олинади. Кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва хилларини янада кенгайтириш, илғор иш шаклларини жорий қилиш, поездларда ва вокзалларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини яхшилаш таъминланади.

Юклар кўп ташиладиган участкаларнинг поездлар ўтказиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Гулистон — Ховос участкасини электрлаштириш ишлари тугалланади. Қўқон, Новшаҳар, Учқизил станцияларини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишлар охирига етказилди.

Йўлларни йил давомида сақлашни яхшилаш ҳисобига балли баҳо беришни топшириқда белгиланганидан 1,6 процентга камайтирилади, поездларнинг қатнов тезлиги топшириққа нисбатан 20 процентга оширилади. Йўлни сақлашни механизациялаш даражасини топшириққа нисбатан 0,5 процент оширилади. Йўлларни ремонт қилиш плани 30 декабргача тугалланади.

Йиллик иқтисодий самараси камида 4 миллион сўмлик рационализаторлик таклифлари жорий этилади. Йил мобайнида локомотивларда 8 минг тонна дизель ёқилғиси, 2,45 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадида янги техника бўйича йиллик самараси 3,5 миллион сўмлика тенг 160 та тадбир жорий қилинади. Коллективларни иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс планга мувофиқ 50 минг квадрат метр уй-жой капитал ремонти 25 декабргача тугалланади, 33,7 минг квадрат метр фойдали уй-жой саҳни фойдаланишга топширилади.

Линиядаги станциялар ходимларини керакли нарсалар билан таъминлашни яхшилаш учун қўшимча равишда мавжуд магазинлар саҳни яна 340 квадрат метрга, умумий овқатланиш тармоқлари эса 150 ўринга кенгайтирилади. Марказлашган манбаалар ҳисобидан 1,7 миллион сўмлик озиқ-овқат ва саноат моллари фондларидан ташқари харид этилади ва реализация қилинади.

Ёрдамчи хўжаликларда 200 гектар ҳайдаладиган ер оборотга киритилади. 2300 тонна сабзавот, 2 минг тонна ҳўл м

ЮКСАК МАРРАЛАР

(Боши иккинчи ва учинчи бетларда).

Транспортнинг барча турларида юк ташиш йиллик плани 20 декабргача адо этилади ва планга қўшимча 205 минг тонна халқ хўжалик юклари ташиб берилади. Янги техника ва технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришдан 4,5 миллион сўмга тенг иқтисодий самара олинади. Компрессор станциялари ишининг энг мақбул режимини қўлланиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш эвазига 25 миллион киловатт-соат электр энергияси, 28 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 70 тонна металл прокати, 200 тонна цемент, 100 кубометр ёғоч тахта, 420 тонна дизел ёқилғиси, 540 тонна автомобиль бензини тежалади.

Шартли йиллик иқтисодий самараси 2 миллион сўмликка тенг 1300 та рационализаторлик таклифи жорий қилинади. Жами 4190 нафар ишчи ва инженер-техник ходимлар янгидан тайёрланади ва малакаси оширилади. Ёрдамчи хўжаликларда 100 тонна гўшт, 130 тонна сут, 85 минг дона тухум, 1500 тонна сабзавот ва полиз экинлари етиштирилади ва меҳнаткашларга реализация қилинади. Магазинларда савдо майдончалари 150 квадрат метрга кенгайтирилади.

УЗБЕКИСТОН «УЗЭЛЕКТРОТЕРМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор тажрибаларини жорий қилиш, мавжуд резервларни аниқлаб, уларни аниқ мақсад йўлида сарфлаш, моддий, меҳнат ва энергетика ресурсларидан янада самарали фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва реализацияси бўйича йиллик план 27 декабрга қадар бажарилади. Иш вақти йўқотилишини 20 процентга камайтиришга эришилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 30 процент ошириб адо этилади. Маҳсулот ўсишининг ҳаммаси ана шу кўрсаткич ҳисобига таъминланади.

Мамлакатимиз илғор коллективларининг қолоқларсиз ишлаш бўйича бошлаб берган ватанпарварлик ташаббуси изидан бориб, ҳамма структурадаги бўлинмаларда, цехлар, участкалар, смена ва бўлинмаларда планнинг барча асосий кўрсаткичлар бўйича бажарилишига эришилади. Маҳсулотларни белгиланган шартномалар ва нарядларга биноан муддатида ва тўла ҳажмда таъминланади.

Планга қўшимча 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Жумладан, 100 та пайвандлаш трансформаторлари, 400 та занжирли бошқариш трансформаторлари, қишлоқ хўжалиги учун 25 минг погон-метрли қувурсимон электр қиздиргичлар, 150 та инфра қизил иситгичлар тайёрланади.

Аттестация қилинадиган маҳсулотлар ҳажмида давлат Сифат белгисига эга буюмларнинг салмоғи 1982 йилдаги 66 процент ўрнига 80 процентга етказилади. 4 та янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва улар олий сифат категориясига аттестация қилиш учун тақдим этилади.

Ишлаб чиқаришга битта автоматлашган ва 3 та механизациялашган линия жорий этилади. Йиллик иқтисодий самараси 550 минг сўмликка борадиган янги техника ва илғор технология бўйича 66 та тадбир, йиллик иқтисодий самараси 680 минг сўмга тенг 125 та рационализаторлик таклифи татбиқ этилади. Қўл меҳнати салмоғини қисқартириш топшириғи 20 процент ортиғи билан бажарилади.

Белгиланган топшириқдагига нисбатан 200 тонна қора металл ва 150 минг киловатт-соат электр энергияси, 300 гигакалория иссиқлик энергияси кўп тежаб қолинади.

Пировард натижаларга қараб ҳақ оладиган бригадалар миқдори 101 тага етказилади. Шу бригадаларда тайёрланадиган маҳсулотларнинг салмоғи умумий ҳажмда 57 процентга етказилади. Коллективни социал ривожлантириш планига биноан 200 ишчи тайёрланади. 740 ходимнинг, шу жумладан 600 ишчи ва 140 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. 500 дан зиёд киши иқтисодий ўқувга жалб қилинади. 140 ўринли болалар боғча-яслисини ишга тушириш таъминланади. Ёрдамчи хўжалик ривожланиб, бош заводда бир киши ҳисобига гўшт етиштириш 5,5 килограммга етказилади. Бу кўрсаткич 1982 йилда 2 килограммга тенг эди. Камида 1 тонна лимон тайёрланади.

Оталиқдаги қишлоқ хўжаликларига пахта, пахтани йиғиб-териб олиш, мева тайёрлаш, техникани ремонт қилишда ёрдам берилади.

СССР 60 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ «СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани, илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини тайёрлаш плани 27 декабрга қадар бажарилади. Моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иш вақти йўқотилишини қисқартириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш йўли билан планга қўшимча равишда 2500 минг сўмлик, шу жумладан 200 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Беш йиллик топшириқларида кўзда тутилган ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатларига эришиш таъминланади.

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларидагига нисбатан 1983 йилда 250 тонна троллейбус сими, сигнал блоклаш кабели ва 30 километр контроль кабели кўп ишлаб чиқариш таъминланади.

Илғор технологияни, техника жиҳатидан асосланган нормаларни жорий қилиш, меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш, иш вақтидан фойдаланишни яхшилаш эвазига меҳнат унумдорлиги пландаги 2,6 процент ўрнига 3 процентга оширилишига эришилади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг камида 80 проценти шу йўл билан қўлга киритилади. Иқтисодий самараси 2700 минг сўмлик 20 та тадбир янги техника бўйича жорий қилинади. Икки хил халқ истеъмол молларини тайёрлаш ўзлаштирилади. Камида 750 киши рационализаторлик ҳаракатига жалб қилинади. Иқтисодий самараси қарийб 1 миллион сўмликка етадиган 570 та рационализаторлик таклифи ва ихтиросини жорий қилишга эришилади.

Ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотлар ҳажмида давлат Сифат белгисига эга маҳсулотлар салмоғи 62 процентга етказилади. Бу беш йиллик планга кўра 1985 йил учун мўлжалланган топшириқдагига тенгдир.

Белгиланган топшириқдагига нисбатан кабель ишлаб чиқариш материаллари, электр энергияси, иссиқлик энергияси 5 процент тежаб қолинади.

Корхонани социал иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш плани амалга оширила бориб, 300 нафар янги ишчи тайёрланади. 870 ишчи, 120 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Бирлашманинг 950 ишчиси иқтисодий ўқув системасида таълим олади. Иш жойлари, участка ва цехларда меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг 12 та плани жорий этилади. Киров номли «Динамо» заводи усули асосида меҳнат унумдорлигини ошириш системаси асосида олиб борилаётган ишлар такомиллаштирилади.

Пировард натижаларга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишни ташкил этишнинг бригада усули асосида ишлаётган ишлаб чиқариш бўлинмалари миқдори 33 тага етказилади. Ана шу бригадалар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг салмоғи умумий ҳажми яна 8 процентга кўпайтирилади ва уларнинг жами кўрсаткичи 72,5 процентга етказилади.

Агросаноат комплекси объектларига маҳсулот етказиб бериш барвақт, яъни, биринчи ярим йилликда 15 июнгача, иккинчи ярим йилликда эса 15 декабргача бажарилади. Ҳамма истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш улар билан имзоланган шартномалар ва нарядларга қараб таъминланади.

«Правда» номли 7-совхозга қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда, масалан, электр шахобчалари, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш, маданий хизмат кўрсатишда, ёрдамчи хўжаликни ташкил қилишда оталиқ ёрдами кўрсатилади.

«СОЮЗМАШХЛОПКОВОДСТВО» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари 30 декабрда адо этилади. Планга қўшимча 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажми 3,6 процентга кўпайтирилади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, техникавий даражасини ошириш, прогуллар ва маъмурият рухсати билан ишга чиқмай қолиш ҳолларини қисқартириш, ускуналарнинг бекор туриб қолишини камайтириш асосида меҳнат унумдорлиги топшириқдагидан 0,5 процент ошириб бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 80 проценти меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига олинади. Пландан ташқари камида 700 минг сўм фойда кўрилади.

Пландан ташқари 35 та пахта териш машинаси, 100 та трактор, 100 та чигит экадиган сеялка, 50 та гербицид соладиган мослама, 500 та аниқ экадиган аппарат, 2 та махсус дастгоҳ тайёрланади.

ХС-1,2 ва ХС-1,8 универсал пахта териш машиналарини давлат синовидан ўтказиш якунланади. МТЗ-100Х, МТЗ-100Х2 юз от кучига эга тракторларнинг тажриба-намуна лари тайёрланади ва синовдан ўтказиш учун берилади. Кузов сиғими оширилган, модернизация қилинган ярим прицеплы хлопковозларни синовдан ўтказиш амалга оширилади. «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида СХУ-4 универсал сеялкаларини ва «Чирчиксельмаш» заводида КХУ-4 универсал культиваторларини оммавий суръатда ишлаб чиқариш ташкил қилинади. Ленинск прицеплар заводида 3 мингта кузов сиғими оширилган прицеплар ишлаб чиқарилади. Сифат белгили маҳсулотлар салмоғи 30 процентга етказилади.

Ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий қилиш давом эттирилади. 11 та механизациялашган поток линияси, 130 автомат, агрегат ва махсус дастгоҳлар қўлланилади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш асосида қўл меҳнати салмоғи 5 процентга камайтирилади. Асосий ишлаб чиқаришда механизациялаш даражаси 81 процентга, юк ортиш-туширыш ва транспорт-омбор ишларида 84 процентга етказилади. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида роботлар ишлайдиган комплексни яратиш бўйича участка ташкил қилинади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий қилишдан 3,2 миллион сўм самара олинади. Меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулида ишчиларнинг 70,5 проценти ишлайди.

Қишлоқ хўжалиги машиналари конструкцияларида металл ўрнини қоплайдиган материаллар, прокатнинг енгиллаштирилган профиллари, накад йўли билан тайёрланадиган деталларни жорий қилиш, аниқ ҳажмдаги штамповка ва металл тежайдиган бошқа технологияларни қўлланиш кенгайтирилади. Шу йўл билан 4200 тонна металл прокати тежаб қолинади. Белгиланган топшириқдагига нисбатан 700 минг киловатт-соат электр энергияси, 800 гигакалория иссиқлик энергияси, 600 тонна шартли ёқилғи кўп тежаб қолинади.

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида 7 минг квадрат метрли трансмиссия корпуси, Ленинск прицеплар заводида 40 минг квадрат метрли прицеплар корпуси, бир йўла 220 киши овқатланадиган ошхона ишга туширилди. Ҳаммаси бўлиб, 8 минг кишидан иборат ишчилар тайёрланади ва малакаси оширилади. Шу жумладан ишлаб чиқаришда 2650 ишчи тайёрланади. 4200 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ишлар давом эттирилади. Техника воситаларини қишлоқ хўжалик ишларига тайёрлашда ва сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашда оталиқ ёрдами кўрсатилади.

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Товар маҳсулотини реализация қилиш давлат ва муқобил планлари муддатидан илгари, 28 декабрга қадар бажарилади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1982 йилдагига қараганда 2,1 миллион сўмликка оширилади. 4 хил янги ҳақ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Иш жойларига план асосида огоҳлантирувчи хизмат кўрсатиш системасини, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шаклларини, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришни кенг равишда жорий қилиш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш топшириғи 10 процент, меҳнат унумдорлиги эса 8 процент ошириб бажарилади. Ана шунинг эвазига ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 80 процентдан кўпроғи олинади.

Иш вақти йўқотилишини камайтириш, юксак интизом ва меҳнатни яхши ташкил этиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўли билан асосий технологияларнинг сменадаги коэффициенти кўрсаткичи 1,43 га, рақамли программа бошқарувчи станокларида эса 1,7 га етказилади. Халқ истеъмол моллари товарлари учун деталлар ишлаб чиқаришнинг 75 проценти автоматлашган ускуналарда тайёрланади. Улар пластмассалардан олинади. Ишлаётганларнинг 75 проценти меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулига жалб қилинади.

Илғор тайёрламалардан фойдаланиш, технология жараёнларини такомиллаштириш йўли билан 603 тонна қора ва рангли металлар, 30 тонна дизель ёнилғиси, 50 тонна бензин, 100 тонна цемент тежаб қолинади. Техник ижодкорликни, ишчилар ташаббускорлигини авж олдириш негизида 3500 та рационализаторлик таклифи ва ихтироси жорий қилинади 2,4 миллион сўм иқтисодий самара олинади. Технология интизомини, ишчиларнинг шахсий масъулияти ва малакасини ошириш, ҳар бир ишчида завод маркаси шуҳрати учун ғурарланиш ҳиссини тарбиялаш асосида маҳсулотларни биринчи тақдимдаёқ топшириш даражаси 99,2 процентга етказилади.

Саноат қурилишида капитал маблағлар ҳажми ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш муддатидан илгари, 25 декабргача бажариш таъминланади. 50 минг квадрат метрдан зиёд саҳни уй-жой биноларн фойдаланишга топширилади. Бирлашманинг камида 1280 оиласининг уй-жой шароитлари яхшиланади.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда янада юқорироқ натижаларга эришилади ва В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллигига қадар сув чучитгич станцияни монтажлаш тугалланиб, ишга туширилди. 1 июнгача минг бошга мўлжалланган иккинчи чўчқахона, 7 ноябргача эса минг бошга мўлжалланган учинчи чўчқахона қуриб битказилади.

Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, спортнинг турли хиллари бўйича оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш ҳисобига 4285 киши ГТО нишондори бўлади. 3673 киши турли спорт разрядларига норма топширади, 86 киши спорт мастерлигига номзод ва биринчи разрядли бўлади. 8 киши СССР спорт мастерлигига тайёрланади.

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик план муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 800 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажми 1982 йилдагига нисбатан пландаги 8,9 ўрнига 10,2 процент ошириб бажарилади. Меҳнат унумдорлиги 8,6 процент юксалади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 80 проценти шу йўл билан қўлга киритилади. Йиллик топшириқда белгиланганидан кўра 400 минг сўмлик пахта тозалаш ускуналарининг эҳтиёт қисмлари тайёрланади. 50 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқилади. Истеъмолчиларга ускуналарни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини комплекс ҳолда узлуксиз етказиб бериш таъминланади.

Пахта тозалаш учун юксак унумли ускуналарнинг янги хилларини: 5ЛП маркали пилта, КЛР лентали тақсимлагичи ва 5 УПДА жин установкасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Тайёрланаётган техника воситаларининг техникавий даражасини, сифати ва пишиқ-пухталигини янада ошириш устидаги ишлар давом эттирилади. 4 та буюм давлат Сифат белгиси аттестациясидан ўтказилади. Шу хил маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги салмоғи 16,6 процентга етказилади.

Иқтисодий самараси 120 минг сўмлик 44 та ташқилий-техникавий тадбирлар жорий қилинади. Пировард натижаларга қараб, ишни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулига жалб қилинган ишчилар сони 40 процентгача етказилади. Прогуллар, маъмурият руҳсати билан ишга келмай қолиш ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши туфайли иш вақти йўқотилиши 15 процент камайтирилади. Кадрлар қўнимсизлиги 3,4 процент қисқартирилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1982 йилдагига қараганда 11 процентга кўпайтирилади.

200 минг киловатт-соат электр энергияси, 100 тонна ёқилғи, 1 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 60 тонна металл прокати тежаб қолинади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий қилишдан йиллик иқтисодий самараси қарийб 100 минг сўмга яқин фойда кўрилади.

Қурилаётган ва реконструкция қилинаётган пахта тозалаш заводи 50 та комплекс цех тўла комплектдаги ускуналар билан таъминланади. Уларни поток линиялар ва 5УПДА ва 1УПЛБ янги жин лентлар қурилмалари билан комплектлаш асосида 150 та қуритиш агрегати ва 640 та энг қийин иш жараёнларини механизациялаш учун қабул қилиш-узатиш қурилмалари тайёрланади.

Коллективни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш комплекс планига биноан Урганч шаҳрида бош заводнинг филиали ишга туширилади ва унда 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. 240 ўринли пионерлар лагери қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилади. 530 янги ишчи тайёрланади. 350 ишчи, 170 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Иқтисодий билимлар мактабида 650 киши ўқитилади.

Ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Уларда 2,6 тонна гўшт, 18 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилиб, бирлашма меҳнатчиларига сотилади.

Сирдарё областининг Ильич райони хўжаликларига техникани ремонт қилишда, уларни керакли эҳтиёт қисмлар, 50 минг сўмлик асбоблар ва бошқа моддий техника ресурслари билан таъминлашда оталиқ ёрдами кўрсатилади.

«УЗТЕКСТИЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмларнинг асосий турларини тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари, 30 декабрда бажарилди. Пландан ташқари 600 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Прогуль қилиш, маъмуриятнинг рухсати билан отпускага чиқиш ва ускуналарнинг бекор туришини камайтириш ҳисобига иш вақтининг йўқотилишини камайтириш асосида меҳнат унумдорлиги топшириқда белгиланганига нисбатан 0,3 процент ошириладн ва маҳсулот ҳажмининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришни янада такомиллаштиришга қатъият билан эришилади. Янги техникага доир 36 тадбир бажарилади, шу жумладан узеллар йиғиладиган битта поток-механизациялашган линия жорий этилади. Порошокли металлургиядан тайёрланадиган буюмларнинг ҳажми 25 процент оширилади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 0,5 процент камайтирилади. Ишчиларнинг 45 проценти меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига жалб этилади.

Маҳсулотнинг олтита янги турини, шу жумладан: Р-192-5ИГ маркали пилталаш машинаси, РК-4 маркали пиллани силкиш машинаси, 4ДП-130 маркали аррали жин, ДВ-1М маркали валикли жин, 5ЛП маркали аррали линтер машинасини кўплаб тайёрлаш ўзлаштирилади. Биринчи марта 15 комплект пилла ўрайдиган ускуналар комплекти ишлаб чиқарилади. Буюмнинг икки тури олий сифат категорияси аттестациясидан ўтказилади ва давлат Сифат белгиси берилган маҳсулотнинг салмоғи 25 процентга етказилади.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 40 процент кўпайтирилади. Унинг салмоғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 7,2 процентга етказилади, халқ истеъмоли товарларининг тўртта янги хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий қилиш ҳисобига бир йилда 200 минг сўм иқтисодий самара кўрилади.

Материал ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш яхшиланади, белгиланган топшириқдагидан ташқари 350 минг киловатт-соат электр энергияси, 400 гигакалория иссиқлик энергияси, 100 тонна шартли ёнилғи, 26 тонна қора металлар прокати тежалади.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда актив иштирок этилади: маҳсулотнинг янги тури — А2-ХТН маркали хамир қорадиган машинани кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, чўчқачилик комплекси ва 200 бошга мўлжалланган сигирхона қурилишида иштирок этилади.

Жиззах область Мирзачўл районидаги «Партия XXVI съезди» совхози коллективига ускуналарни ремонт қилишда, материаллар, асбоб-ускуналар билан 15 минг сўмлик ва кузги-баҳорги дала ишлари даврида оталиқ ёрдами кўрсатилади.

Коллективни социал ривожлантириш планига биноан 300 янги ишчи тайёрланади, 580 ишчининг малакаси оширилади. 580 ишчи, 90 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, иқтисодий ўқишга 380 киши жалб этилади.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб, бутун коллектив қолоқларсиз ишлаш мажбуриятини олади.

«УЗБЕКНЕФТЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Нефть ва газ запасларини кўпайтириш уч йиллик плани муддатидан олдин, Улуғ Октябрь социалистик революцияси йиллиги арафасида бажарилди планга қўшимча 6 минг тонна нефть ва 6,5 миллион кубометр газ қазиб чиқарилади.

Пландан ташқари 234 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади ва пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинишн таъминланади, пландан ташқари 10 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлиги нефть қазиб чиқаришда 0,8 процент ва қудуқлар қазишда 1 процент ошиши таъминланади. Қудуқлар қазиш муддатини қисқартириш ҳисобига пландан ташқари 400 метр чуқур, 400 метр структура-қидириш парма лаши амалга оширилади.

Шарикли бурғуларнинг янги типлари билан 20 минг метр қудуқ қазилади, разведка қудуқларини синашдаги қазиш жараёнида трубаларда қатламларни синовчилар билан 10 қудуқ операцияси амалга оширилади, маҳсулдор горизонтларга 2,4 миллион кубометр саноат ташлама сувлари киритилиши ва 2 миллион кубометр юқори босимли газ киритилиши таъминланади.

Янги техника ва илғор технологияни қўшимча жорий этиш тадбирлари ҳисобига 0,6 миллион сўм иқтисодий самара олинади. Ишлаб чиқаришга камида 1 миллион сўм шартли йиллик тежам берадиган 300 рационализаторлик таклифлари, беш ихтиро жорий этилади

Енилги-энергетика ва моддий ресурсларни тежаб ва рационал сарфлаб, 620 минг киловатт соат электр энергияси, 1100 гигакалорий иссиқлик энергияси, 130 тонна шартли қозон-печь ёнилғиси, 66 тонна қора металлар тежалади.

4387 квадрат метр уй-жой майдони, 140 ўринли мактаб, 20 ўринли савдо объекти фойдаланишга топширилади.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда актив иштирок этилади, 1983 йили бирлашма корхоналари ва ташкилотларида 365 гектар ер фонди бўлган 18 ёрдамчи хўжалик ташкил этилади, уларнинг негизида 400 бош қорамол ва қўй-эчки сақланадиган сигирхона ҳамда қўйхона қурилади. 1983 йили бирлашма корхоналарининг агроцехларида 640 тонна маккажўхори дони, 5280 тонна ем-хашак ва 860 тонна сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштирилади, ишчиларни таъминлаш учун 22 тонна гўшт етказиб берилади.

Ишчилар таъминоти бошқармаси бўйича товар оборота плани муддатидан олдин, 30 декабрда бажарилади, планга қўшимча 300 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари сотилади, марказлашмаган йўл билан камида 1,5 миллион сўмлик озиқ-овқат ва саноат товарлари харид қилинади.

ЧИРЧИҚ «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 1983 йилнинг 29 декабрида бажарилади. Пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Планга қўшимча 30 минг тонна шартли бирликдаги минерал ўғитлар, шу жумладан 1983 йил ҳосили учун 20 минг тонна шартли бирликдаги минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Пландан ташқари 300 минг сўм фойда олинади.

Иш вақтидан рационал фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш эвазига меҳнат унумдорлиги 1982 йилда эришилган даражага нисбатан 17 процент ошишига эришилади, ялпи маҳсулот ўсишининг 95 проценти меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига олинади. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг куч-гайратини моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга қарата бориб, белгиланган нормаларга нисбатан 20 миллион киловатт-соат электр энергияси, 10 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, минг тонна шартли ёнилғи, 100 минг сўмлик хом ашё ва материаллар тежалади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш соҳасида партия қўйган вазифани бажара бориб, йиллик иқтисодий самараси 520 минг сўмга тенг бўлган 21 янги техника ва прогрессив технология тадбири амалга оширилади. 450 рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий қилишдан 360 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилади.

510 ишчи тайёрланади, минг ишчининг малакаси оширилади ва уларга иккинчи ҳунар ўргатилади.

3200 киши сиёсий ва иқтисодий ўқишга жалб этилади. Социал ривожланишнинг комплекс планини амалга ошира бориб, 360 кишини қабул қиладиган поликлиникаси бўлган 240 ўринли касалхона комплекси қурилиши давом эттирилади. 12500 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

Ёрдамчи хўжалик ташкил этиш соҳасидаги иш давом эттирилади: чорва моллар туёғи 600 бошга етказилади ва 55 тонна гўшт етиштирилади. 500 бош чўчқага мўлжалланган чўчқачилик комплекси қурилади.

«НАВОИАЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани 29 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 1,2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Планга қўшимча 20 минг тонна минерал ўғитлар, 3 минг тонна аммиак, 1,8 минг тонна натриакрил кислотаси ишлаб чиқарилади, айни вақтда меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,5 процент ошириб бажарилиши таъминланади.

Иқтисод қилиш режимини янада кучайтириш хом ашё ва ёнилғи энергетика ресурсларидан рационал фойдаланиш ҳисобига 500 минг сўмлик хом ашё материаллар, энергия ресурслари, шу жумладан 22 миллион киловатт-соат электр энергияси, 38 минг гигакалорий иссиқлик энергияси тежалади.

Маҳсулотнинг сифатини яхшилаш иши давом эттирилиб, нитрон толасининг сорти планда белгиланганига нисбатан 20 процент оширилади, суюқ аммиак давлат Сифат белгисига тақдим этилади.

Цехларнинг ишини яхшилаш учун ҳавони тақсимлаш цехидаги К-500 маркали кам унумли ҳаво компрессори К-905 маркали компрессор билан алмаштирилади, 3-номерли суюқ азот билан углерод зангини ювиш агрегати реконструкция қилинади, концентрация қилинмаган азот кислотаси цехида ГТТ-3 маркали газ турбина қурилмаси анча мукаммал бўлган ГТТ-3М маркали қурилмаси билан алмаштирилади, аммиак селитраси цехидаги қоп ортадиган иккита машина монтаж қилинади ва ўзлаштирилади.

Фан-техника тараққиётини тезлаштириш мақсадида камида 2 миллион сўм иқтисодий самара берадиган янги техника тадбирлари жорий этилади, рационализаторлик таклифлари ва ихтиролларни жорий этишдан 1 миллион сўм самара кўрилади.

Социал ривожланиш программасини бажара бориб, 5200 ишчи тайёрланади ва малакаси оширилади, санаторий-профилакторийнинг янги корпуси ва меҳмонхонага пойдевор қўйилади.

Ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади: 500 бош чўчқага мўлжалланган чўчқачилик комплекси қурилади, камида 700 тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мева етиштирилади.

Оталиқдаги колхоз ва совхозларга пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва дағал-хашак тайёрлашда ёрдам кўрсатилади.

ФАРҒОНА «АЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик давлат плани муддатидан олдин — 29 декабрда бажарилади, пландан ташқари 1750 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнат унумдорлиги 1982 йилдагига нисбатан 43,7 процент ўсиши таъминланади, маҳсулот ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Кўп тонналик аммиак агрегатининг, углекислота ишлаб чиқариш цехининг қувватлари муддатидан олдин ўзлаштирилади.

Планга қўшимча 20 минг тонна минерал ўғитлар, 15 минг тонна аммиак, 500 тонна дефолиант, 100 тонна триацетиллицеллюлоза ишлаб чиқарилди.

Иқтисод қилиш режимини кучайтириш, цехларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш эвазига 800 минг сўмлик материаллар, энергия ресурслари, шу жумладан 6 миллион киловатт-соат электр энергияси, 7 минг гигакалорий иссиқлик энергияси тежалади, 250 минг сўм иқтисодий самара берадиган 250 рационализаторлик таклифлари, 380 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 10 та янги техника тадбири жорий этилади.

Товар-аммиак давлат Сифат белгисига тақдим этилади.

1700 киши меҳнатни ташкил қилишнинг бригада формаси билан қамраб олинади, комплекс-технология бригадалари сони 50 тага етказилади.

Юк ортиш, туширыш ишларини механизациялаш ва технология жараёнларини автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатини камайтириш ва 20 кишини бўшатиб беришга эришилди.

Коллективни социал ривожлантириш программасини бажара бориб, 150 ўринли ётоқхона қуриб битказилади, 210 ишчи тайёрланади, 1150 ишчининг, 205 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

Оталиқдаги совхозга пахта ҳосилини теришда, ем-хашак тайёрлаш ва техника ремонтида ёрдам кўрсатилади.

Ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш давом эттирилади: 50 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик фермаси ташкил этилади, 200 тонна турли хил озуқа етиштирилади, 10 минг сўмлик мева-сабзавот маҳсулотлари реализация қилинади.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг 1983 йилги социалистик мажбуриятлари «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 9 январь сонида, Ўзбекистон ССР Граждан авиацияси бошқармасининг 1983 йилги социалистик мажбуриятлари 13 январь сонида эълон қилинган.

* * *

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXVI съезди қарорларини турмушга муваффақиятли татбиқ этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. 1983 йил ва умуман беш йилликнинг уч йили плани ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришни таъминлайдилар деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирадилар.

Социалистик мажбуриятлар бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар коллективларининг йиғилишларида ва республика активининг йиғилишида қабул қилинган.

Умар Умарович МУҚИМОВ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг колхоз ва совхозлар аҳолисига коммунал хизмати кўрсатиш Бош бошқармасининг бошлиғи, коллегия аъзоси Умар Умарович Муқимов 1983 йил 16 январда вафот этди.

У. У. Муқимов 1930 йилнинг 3 июлида ишчи оиласида туғилди. 1956 йилда Тошкент политехника институтини тугатганидан сўнг Ўзбекистон Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Советининг спорт иншоотлари қурилиши бўйича старший инженери бўлиб ишлади. У 1962 йилдан Ўзбекистон ССР Госпланида ишлади, 15 йил мобайнида бу ерда қатор масъул лавозимларда меҳнат қилди.

У. У. Муқимов 1978 йилдан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги Бош бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади.

У. У. Муқимов қаерда ишламасин, партия уни қаерга юбормасин, ўша ерда КПСС қарорларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида ижодий ташаббускорлик кўрсатди. У ўз касбининг пухта билимдони эди, принципиаллиги ва ишчанлиги, кишиларга нисбатан меҳрибонлиги билан ажралиб турар